БУГУНГИ СОНДА:

Умр шамидан таралган нурафшон зиё 3



Сурия армияси Ҳалабни жангарилардан тўлиқ озод этди 6



Топинамбур ўсимлиги ўлкамизда ҳам етиштирилади 8



# ХАЛҚ ОВОЗИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри

№ 27 (20031)
2017 йил 6 июл.

Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган


## ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЮРТИМИЗДА





**2017 йилнинг 5 июл куни Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифнинг Тожикистонга расмий ташрифи Миллат қасри ёнида тантанали кутиб олишдан бошланди.**

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон олиймақом меҳмон - Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифни илиқ ва самимий қарши олиб, фахрий минбарга таклиф қилди.

Олиймақом меҳмонни расмий кутиб олиш маросимида Фахрий гвардия қисм ва бўлинмалари, нафас асбоблари оркестри саф тортган бўлиб, икки мамлакат делегациялари иштирок этди.

Истиқбол олиш маросимида икки давлат мадҳиялари янгради. Тантанали марш остида Тожикистон ва Покистон раҳбарлари Фахрий гвардия сафи ёнидан ўтишди. Покистон Ислом Республикаси Бош вазири ҳарбий парад иштирокчилари билан саломлашиб, Тожикистон давлат байроғига эҳтиром кўрсатди.

Олиймақом меҳмонни кутиб олишнинг тантанали маросими Давлат бошлиқларининг иккала давлат расмий делегациялари билан танишуви орқали ниҳоясига етди.

## ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

**1 июл куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ҳамда Венгрия Президенти Янош Адерлар икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларига табрик телеграммалари йўллашди.**

**Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Венгрия Президенти Янош Адерга табрик телеграммасида, жумладан, шундай дейилади:**

- «Жаноби олийлари!

Тожикистон Республикаси ва Венгрия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табригим ва эзгу тилакларимни йўллашдан шодман.

Ушбу давр мобайнида томонларнинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли дўстлик муносабатлари ва ўзаро фойдали ҳамкорликлар сифатан янги даражага кўтарилгани қаноат ҳосил қилишимизга сабаб бўла олади.

Қулай фурсатдан фойдаланиб, Тожикистон ва Венгрия дўстона муносабатлари икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлида бундан кейин ҳам турли соҳаларда ривожланиб бораверишига умид билдираман. Иккала томон келгусида ҳам бу бунёдкорона жараёнга етарлича эътибор қаратиб, унинг босқичма-босқич илгарилаб бориши йўлида барча зарур чора-тадбирларни қабул қилишларига ишончим комил.

Венгриянинг дўст халқига тараққиёт ва гуллаб-яшнаш каби энг эзгу тилакларимни йўллаш билан биргаликда, Сизга, Президент жаноблари мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва янгидан-янги муваффақиятлар тилайман».

***

**Венгрия Президенти Янош Адернинг Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон номига йўллаган табрик телеграммасида, жумладан, шундай дейилади:**

- «Ҳурматли Президент жаноблари!

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Сизга самимий табригим ва энг эзгу тилакларимни йўллашга изн беринг.

Бугунги куннинг бундай долзарб, эҳтимол, энг зарур – сайёра сув захираларини сақлаш муаммоси бўлган масалада ўз ёнимда Сизнинг сиймонгизда бу ишнинг муваффақияти учун катта саъй-ҳаракат қилаётган кучли иттифоқдошнинг ёрдамига таяна олишим жуда мароқлидир. Бу қуруқ гаплардан иборат эмаслигини Венгрия ва Тожикистон биргаликда модератори бўлган сув муаммолари бўйича диалог ҳамда Сиз, Президент жанобларининг биз учун фахрли бўлган ўтган йили Будапештда бўлиб ўтган иккинчи Сув саммитида иштирокингиз ва нутқ билан мурожаат қилганингиз кўрсатиб турибди.

Бошланган муваффақиятли ҳамкорликларимизни келажакда ҳам шундай суръат ва натижа билан давом эттира олишимизга ишончим комил.

Сизга масъулиятли вазифангизда каттадан-катта ютуқлар ва мустаҳкам соғлиқ тилайман».

*«Ховар» ТМАА.*

*Давлатали САИД:*

## - Тожикистон фойдали алоқалар тарафдори

"Тожикистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг фаол ва ажралмас аъзоси сифатида яхши қўшничилик, минтақавий ва халқаро алоқаларни кенгайтириш тарафдори бўлиб, биз фойдали ҳамкорликларни мустаҳкамлаш йўлида ҳар қандай бунёдкорона ва беғараз ташаббусларни маъқуллаймиз", - деди мамлакат Бош вазирининг биринчи ўринбосари Давлатали Саид "Минтақавий ҳамкорликлар тараққиёти" мавзусида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган МОМКА (Марказий Осиё, Мўғулистон, Кавказ, Афғонистон)нинг халқаро форумида.




Душанбе шаҳрида минтақавий форумнинг ўтказилиши Марказий Осиё, Кавказ, Мўғулистон ва Афғонистон мамлакатлари минтақаларига доир иқтисодий, маданий ва хавфсизлик соҳалари муҳим масалаларини муҳокама қилишга имконият яратгани зикр этилди.

Давлатали Саид Тожикистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан кейин, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон раҳбарлиги остида мустақил, тинч, барқарор давлатга айланганини таъкидлади.

"Тожикистон тинчликпарвар ва башардўстона ташқи сиёсатни олиб бориб, халқаро ҳуқуқ меъёрларига эҳтиром кўрсатади", - деди Давлатали Саид.

## Битирувчилар билан учрашув

Тожикистоннинг Япониядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳамрохон Зарифийнинг Япония халқаро ҳамкорликлар маркази(JICE) намояндалари ҳамда Тожикистон Республикасининг давлат хизматчиларидан бўлган студентлари билан уларнинг Япония халқаро университетида таҳсиллари ниҳоясига етгани ва магистрлик даражаси берилгани муносабати билан учрашуви бўлиб ўтди.



Суҳбат чоғида Тожикистон элчиси битирувчиларни таҳсил тугагани муносабати билан табриклаб, Тожикистонга қайтгач, улар мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишларига ишонч билдирди. У, шунингдек, Япония томонига инсон захираларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун миннатдорчилик билдирди.

JICE намояндалари тожикистонлик студентларнинг таҳсил жараёнидаги интилишларини ижобий баҳолашиб, Япония томонининг Тожикистонда JDS дастурини амалга татбиқ этишни давом эттириш нияти эканини билдирдилар.

Ушбу битирувчилар 2015-2017 йиллар Тожикистон ва Япония Ҳукуматлари ўртасидаги келишув доирасида Инсон захираларини ривожлантириш учун стипендиялар етказиб бериш дастури (JDS) асосида таҳсил олишди.

## "Яшил коридор" йўлга қўйилади

Афғонистон Ислом Республикаси Молия вазирлигининг Божхона бош бошқармаси бошлиғи Аҳмад Рашод Пупал раҳбарлигидаги Афғонистон божхона органлари ҳайъати Тожикистон жанубида жойлашган "Қуйи Панж" божхона назорат пунктини бориб кўрди.

Ташриф доирасида халқаро ишчи гуруҳи Хатлон вилоятида минтақавий божхона бошқармаси раҳбарияти ва "Қуйи Панж" божхона назорат пункти шахсий ҳайъати билан учрашди.



Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Божхона хизмати бошлиғи ўринбосари Азим Турсунзода ҳайъат ташрифи чоғида Тожикистон ва Афғонистон божхона органлари намояндалари орасида икки томонлама учрашув ўтказилиб, "Халқаро автомобил орқали юк ташиш тизими фаолияти масаласига оид (Carnet TIR)", Халқаро автомобил орқали юк ташиш учун "Яшил коридор" ҳамда "Тожикистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси божхона органлари ўртасида электрон маълумот алмашиш йўналишида икки томонлама масаласига доир" ҳамкорлик протоколи имзоланганини айтди.

## Омонбой Жуманов - С. Айний номли мукофот лауреати!

Тожикистонлик ўзбекзабон адиб, таниқли таржимон Омонбой Жуманов Тожикистон Ёзувчилар иттифоқининг Садриддин Айний номли адабий мукофоти совриндори бўлди. Мукофот топшириш маросими Тожикистон Ёзувчилар иттифоқида бўлиб ўтди.

Омонбой Жумановга мазкур мукофот Ато Ҳамдам ва Леонид Чигринларнинг "Эмомали Раҳмон жасорати" номли китоби, Саттор Турсуннинг "Жасур қиз", "Эътироз" ва "Қазо" асарлари ҳамда бошқа таржималари учун берилган.



Эслатиб ўтамиз, адиб бундан олдин "Афсонаҳои халқи тожик" китобини "Қайсар чумчуқ" номи билан ўзбек тилига таржима қилиб, Тошкентда кўп нусхада чоп эттирганди. Айни пайтда эса, Омонбой Жуманов Ато Ҳамдамнинг "Роҳи абрешим" китобини таржима қилиш билан машғул ва уни Тошкент шаҳридаги "Жаҳон адабиёти" нашриётида чоп эттириш ниятида.




## Ҳулбукда ёш археологлар мактаби

Тожикистон Республикаси Фанлар академиясида "Қадимий Ҳулбук шаҳрида ёш археологларнинг ёзги халқаро мактаби"нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маданият вазирлигидан маълум қилишларича, тадбирни очган Тожикистон Фанлар академияси президенти Фарҳод Раҳимий "Қадимий Ҳулбук шаҳрида ёш археологларнинг ёзги халқаро мактаби" Маданият вазирлиги ва Тожикистон Фанлар академияси ташаббуси билан ташкил этилиб, 2017 йилнинг 2 июлидан 8 июлигача Кўлоб шаҳрида давом этишини зикр қилди.



Манбанинг сўзларига кўра, ёш археологлар мактабида иштирок этиш учун Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Озарбайжон, Россия ва Украина вакиллари ташриф буюрган.

Очилиш маросимидан аввал иштирокчилар Тожикистон Республикаси Қадимий музейига бориб, унинг тарихий экспонатлари билан танишишди.

## Янги спорт майдончаси

Мамлакатимиз пойтахти - Душанбе шаҳрида Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Божхона хизмати томонидан яна битта спорт майдони қурилиб, фойдаланишга топширилди. Майдонча умумий майдони 750 квадрат метрни ташкил қилиб, пойтахтнинг Исмоил Сомоний ноҳияси Рўдакий хиёбонидаги 96-бино ёнида жойлашган.



Божхона хизматидан хабар беришларича, спорт майдончаси футбол, волейбол ва баскетбол ўйинлари учун мўлжалланган бўлиб, барча зарур ускунаю жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, майдонча ёнида болалар ўйнайдиган жой бунёд этилган бўлиб, бу ерда болалар истироҳати учун қулай шароитлар яратилган. Майдончанинг бошқа томонида фуқаролар учун истироҳат мавзелари бунёд этилган.

## Ташхис ва текширув натижалари

Жорий йилнинг 1 июлида Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги фуқароларни турли касалликлардан сақлаш мақсадида "Саломатлик карвони" ташкил қилиб, Рашт ноҳиясига жўнатди.

Ушбу "Саломатлик карвони"да 2000 нафардан зиёд ташхису табобатга муҳтож кишилар иштирок этиб, бепул тиббий ёрдамдан фойдаланишди.



Тадбирга Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг тажрибали ташхису табобат муассасалари мутахассислари сафарбар этилиб, ташхису текширув билан биргаликда, аҳолига тиббий маслаҳатлар ҳам беришди.

## Кичик ГЭС қурилишига йўналтириладиган пул мукофоти

Тожикистондаги биринчи давлат-хусусий шерикчилик - "Помир Энержи" Тожикистон ва Афғонистоннинг Бадахшон вилоятларида экологик тоза энергиядан фойдаланиш ҳажмини оширгани учун 2017 йилда "Ashden" нуфузли мукофотини қўлга киритди. Бу олий халқаро мукофот "Помир Энержи" компанияси бош директори Далер Жумаевга Лондондаги Қироллик географик жамияти нуфузли маросимида топширилди.



Компания ўз пул мукофотини Бартанг водийсида кичик гидроэлектростанция қурилишига йўналтиришга қарор қилди.

2016 йил ёз фаслида ТБМВда Миллий бирлик кунини нишонлаш доирасида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг бевосита иштирокида "Пасор" кичик ГЭСи тўлиқ реабилитациядан кейин фойдаланишга топширилганди. Шу билан Пасор, Бопасор ва Гудара қишлоқларида электр энергияси тақчиллиги муаммоси орадан кўтарилди. Ўша йилнинг охиригача баланд тоғли Бартангда таъмирлаш-реабилитацион ишлар тугатилиши билан "Савноб" ва "Басид" кичик ГЭСлари ҳам ишга туширилиб, 2017 йилнинг биринчи кварталида "Сипонж" кичик ГЭСи ҳам фаолият бошлади.

*ОАВ асосида Г. Аюпова тайёрлади.*

# ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИ

**Судяларни озод этиш тўғрисида**

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига мувофиқ ***фармон бераман:***

Қурбониён Тожиддин Мирзо ишлар кўриб чиқилишида қонунни бузганлик, судялик обрўсига путур етказадиган амалга қўл ургани учун Хатлон вилояти Панж ноҳияси суди судяси вазифасидан озод этилсин.

Ваҳдат шаҳри суди судяси Қурбонзода Қудратулло Саид вафот этганлиги сабабли унинг ваколати тугатилсин.

*Тожикистон Республикаси*
*Президенти Эмомали РАҲМОН,*
*30 июн 2017 йил, Душанбе шаҳри.*
*№894.*

# ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ҚАРОРЛАРИ

**Н. А.Абдуғаффорзодани Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Сайёҳликни ривожлантириш комитети раиси этиб тайинлаш тўғрисида**

Тожикистон Республикаси Ҳукумати ***қарор қилади:***

Абдуғаффорзода Нуъмон Абдуғаффор Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Сайёҳликни ривожлантириш комитети раиси этиб тайинлансин.

*Тожикистон Республикаси*
*Ҳукумати Раиси Эмомали РАҲМОН,*
*30 июн 2017 йил, Душанбе шаҳри.*
*№ 331.*

***

**Ҳ. Амирбекзодани Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Ёшлар, спорт ва сайёҳлик комитети раиси ўринбосари вазифасидан озод этиш тўғрисида**

Тожикистон Республикаси Ҳукумати ***қарор қилади:***

Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Ёшлар, спорт ва сайёҳлик комитетининг Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Ёшлар ва спорт комитетига айлантирилгани сабабли, Амирбекзода Ҳабибулло Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Ёшлар, спорт ва сайёҳлик комитети раиси ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

*Тожикистон Республикаси*
*Ҳукумати Раиси Эмомали РАҲМОН,*
*30 июн 2017 йил, Душанбе шаҳри.*
*№ 332.*

***

**Ҳ. Амирбекзодани Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Сайёҳликни ривожлантириш комитети раиси биринчи ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида**

Тожикистон Республикаси Ҳукумати ***қарор қилади:***

Амирбекзода Ҳабибулло Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Сайёҳликни ривожлантириш комитети раиси биринчи ўринбосари этиб тайинлансин.

*Тожикистон Республикаси*
*Ҳукумати Раиси Эмомали РАҲМОН,*
*30 июн 2017 йил, Душанбе шаҳри.*
*№ 333.*

***

**Ш. Ш. Амонзодани Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Сайёҳликни ривожлантириш комитети раиси ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида**

Тожикистон Республикаси Ҳукумати ***қарор қилади:***

Амонзода Ширини Шоди Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Сайёҳликни ривожлантириш комитети раиси ўринбосари этиб тайинлансин.

*Тожикистон Республикаси*
*Ҳукумати Раиси Эмомали РАҲМОН,*
*30 июн 2017 йил, Душанбе шаҳри.*
*№ 334.*

# ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АМРИ

Махкамзода Махсуджон Тожикистон Республикаси Бош вазири Котиботи мудири вазифасидан озод этилсин.

*Тожикистон Республикаси*
*Президенти Эмомали РАҲМОН,*
*30 июн 2017 йил, Душанбе шаҳри.*
**№АП-906.**

*«Ховар» ТМАА.*

# ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

**29 июн куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовлар ўртасида телефон орқали суҳбат бўлиб ўтди.**

Давлат бошлиғи энг эзгу тилакларини билдирган ҳолда, дўст Туркманистон Президентини юбилей сана – таваллудининг 60 йиллиги билан илиқ табриклади.

Мамлакат Президенти ўз ҳамкори Гурбангули Бердимуҳамедовнинг тожик-туркман муносабатлари, дўстлик ва бунёдкорона ҳамкорликлар кенгайиши ҳамда мустаҳкамланиши ишига қўшган муҳим ҳиссасини алоҳида қайд қилди.

Президентлар бу муносабатларнинг илдизи тарихлар қаърига бориб тақалувчи икки мамлакат халқларининг азалий манфаатлари йўлида босқичма-босқич ривожланиб бориши учун келгусида биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида сўз юритишди.

*«Ховар» ТМАА.*

# МАҚСАД – ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ

Мамлакат Президенти ўзининг 2016 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Паёмида тегишли вазирлигу идораларга Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида» ва «Фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисида»ги қонунларининг ижросини тўлиқ таъминлаш борасида аниқ топшириқлар берди.

Шунга боғлиқ ҳолда, доимий комиссия низомномаси талаблари, комиссия аъзоси фаолияти хусусида бироз бўлсада тўхталиб ўтиш лозим. Шунингдек, қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши унинг юқори даражали сифатига ҳам боғлиқ бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир. Унинг юқори даражали сифати қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда уни қабул қилиш жараёнида кўзда тутилган самарадорлик ва ҳуқуқий тартибга солиш асосларидан кўзланган мақсадга эришишни таъминлади. Маданиятпарвар ва ғурурли миллатимиз учун бунёдкорлик ва тараққиёт босқичи бўлган ўтган йиллар давомида, ҳақиқатдан ҳам, улкан ютуқларни қўлга киритдик ҳамда халқ турмуш даражаси бир неча марта яхшиланди. Тинчлик, миллий келишувнинг ишончли асослари ва мамлакат аҳолисининг самарали меҳнати ўлароқ, минглаб иқтисодий, ижтимоий, спорт ва маданий иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яна ўнлаб ишлаб чиқариш ва маиший иншоотлар бунёд этиш ишлари давом этмоқда. Яқинда Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунининг 10 йиллиги қайд қилинади. Бу масаланинг кўриб чиқилишида давлат ҳокимияти вилоятлар ва шаҳру ноҳиялар ижроия органларининг дин ишлари, анъана, тантана ва урф-одатларни тартибга солиш бўлимларининг биргаликдаги фаолиятининг ўзига хос ҳиссаси бор. Мазкур бўлимларнинг қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида тутган ўрни сезиларли бўлиб, улар қонунни татбиқ этиш баробарида тегишли меъёрий-ҳуқуқий битимлар ижроси ҳолатини яхшилаш учун ўзларининг аниқ тавсиялари орқали бундан кейин ҳам ҳиссаларини қўшиб келишлари лозим.




Қонун қабул қилинишидан олдин, мамлакатда ўтадиган маросимларда катта исрофгарчиликка йўл қўйиларди. Бир қатор фуқаролар томонидан эса, ўзларини кўз-кўз қилиш учун қилинган намойишкорона хатти-ҳаракатлар учраб турарди. Шу асосда, бир оила учун хос бўлган йиғинлар – тўй ва ёки мотамга керагидан ортиқ пул сарфланарди. Бу ўз-ўзидан жамиятга ҳам таъсирини ўтказмай қолмасди. Тўй-ҳашам ва байрамлардаги ортиқча харажатга йўл қўйилишининг асосий сабаби ўтганларимизнинг рўзғор юритиш тарихидан бехабарликда эди. Чунки Ислом динида исроф макруҳ амаллардан ҳисобланади. Қуръони Каримнинг «Анъом» сураси 141-оятида шундай дейилади: «Ва исроф қилманглар. Албатта, У исроф қилгувчиларни севмас». Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам шундай дейдилар: «Осонлаштиринг, қийинлаштирманг».

Мазкур қонун асосларининг жамият томонидан тезда жорий этилиши сабабларидан бири, бу қонун диний ва ахлоқий манбалардан сарчашма олганлигидадир. Мазкур қонуннинг демократик ва ҳуқуқий давлат асослари билан қамраб олиниши, унинг амалга татбиқ этилишидаги яна бир бошқа йўналиш бўлди. Мазкур асослар миллий урф-одатлар, жумладан, хайр-садақа, бунёдкорлик ва ободончилик каби манфаат келтирувчи амаллар ривожига сабаб бўлди. Етимлар, қаровчисиз қолганларга кўмаклашиш, мактабу касалхоналарни таъмирлашда ёрдам бериш ҳам хайр-садақа ҳисобланиб, бу халқнинг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигидан дарак беради.

Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунининг ўн йилдан буён амалга татбиқ этиб келинаётганлиги, унинг халқ манфаатларини ҳимоя қилиши ва аҳолининг молиявий ҳолатига ёрдам беришини яна бир марта исботлади. Мазкур қонун натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалди.

Моддий ва маънавий неъматлар қадрига етиб, миллий байрам ва урф-одатларимизни камхарж ва тежамкорлик билан ўтказишга интилишимиз Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунининг асосий мазмун-моҳияти ҳисобланади.

***Сайазам ҚОДИРЗОДА,***
***Тожикистон Республикаси Президенти Ижроия аппарати Дин, анъана, тантана ва урф-одатларни тартибга солиш бўлими бош мутахассиси.***

√ **Хабар =====**

## Ўқувчилар йил охиригача янги бинога кўчишади

Шуғнон ноҳиясининг Оқмамад қишлоғида ибтидоий таълим муассасаси биносига пойдевор қўйилди. Ўқувчилар таҳсил олаётган бино ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари бошида ҳашар йўли билан бунёд этилган бўлиб, ушбу йиллар мобайнида қору ёғингарчиликлар натижасида яроқсиз ҳолга келиб қолганди.

Тоғли Бадахшон мухтор вилояти маориф бошқармасидан хабар беришларича, бу қишлоқ жамоат марказидан анча узоқда жойлашган ва қуйи синф ўқувчиларининг қўшни қишлоққа қатнаб таҳсил олишлари, айниқса, қиш фаслида имконсиздир. Оқмамад қишлоғи фуқаролари мазкур масалани ҳал этиш учун ўтган йили республика Ҳукуматига мурожаат қилишган бўлиб, ўқув йили охирига етиши билан мактаб қурилиши бошланди.

Жорий йилда Ишкошиму Рўшон ноҳияларида яна иккита ўрта умумтаълим мактаби қурилиши назарда тутилган.

*Ўз мухбир*

## Тарихнинг сарғаймаган саҳифалари

***Қубод шўрасини еган туялар,***
***Бухородек жойдан қайтиб келибди.***
***Бу заминнинг кўҳна қўшиқларини,***
***Токи келгунича айтиб келибди.***

*Қабодиён қўшиғидан.*

# ҚУЙИ КОФАРНИҲОН ҚЎШИҒИ

Қадимда бу соҳилда туриб, у соҳилдагини кўриб бўлмайдиган даражада тошиб оқадиган Кофарниҳон дарёсининг қуйи томони Қабодиён беклиги, деб номланарди. Унда учта амлокдорлик мавжуд эди. Амлокдорлар бекликка итоат қиларди. Дарёнинг чап қирғоғи Қабодиён, ўнг қирғоғи Бешкент амлокдорлиги, деб аталар эди. Боботоғда одам яшамасди. Аммо мустақил амлокдорлик ҳисобланарди. Бекликнинг замини серҳосил, иқлими ниҳоятда иссиқ бўлган. Июл ойларида иссиқлик то 55-60 даражагача етарди.

Ўз тарихида Қабодиён йигирма олти марта қўлдан-қўлга ўтган экан. Бу ерда тожик, ўзбек, араб ва туркман миллатлари, йигирмадан ошиқ элатлар яшашади. Буюк файласуф шоир Носир Хусрав шу ерда таваллуд топган. Девонаи Машраб, Сўфи Оллоёр, Мирза Ҳаит Саҳбо, Маҳмуд Тўлқин, Маҳмуджон Остонов сингари шоирлар қадамлари теккан манзил. Бугунги кунда республикада таниқли ижодкорлар Бахтиёр Муртазоев, Зиё Абдулло, Сулаймон Эрматов, Назокат Олимова, Сайдулла Амин, Чориёри Иброҳим, Ашур Назар, Гулбиби, Холиёр Жўрақулов, Муҳаммад Исо, Рашид Абдуллаев, Мамараҳим Аминлар ҳам Қабодиён фарзандлари. Республикамизнинг собиқ раҳбарлари Жаббор Расулов, Маҳмадулло Холов, Худойберди Шарипов, Ражабали Жалиловлар тарбия топганлар. Бу ерда собиқ Шўролар давлатининг ўн беш Меҳнат Қаҳрамони ва бир нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони вояга етган.

1929 йилда дарёнинг юқори қисми Микоянобод ноҳияси ва пастки қисми Шаҳритуз ноҳияси сифатида ташкил этилган. 1956 йилда улар бириктирилди. 1978 йилда дарёнинг ўнг соҳили Шаҳритуз ва чап соҳили Қабодиён ноҳияси бўлди. 1995 йилда Шаҳритуз ноҳияси ҳисобидан (Бешкент) Носир Хусрав ноҳияси ташкил этилди.

***

Июл ойида Қабодиёнда жон сақлаш - бир қаҳрамонлик. Вақт айни тушликка яқин. Райком биносидаги совутгичлар тинимсиз ишлай-



ди. Иш кабинетим бинонинг иккинчи қаватида. Деразаси ғарбга қараган. Деразадан бино ҳовлисига қарадим. Душанбе ва Шаҳритуз йўналишида қатнайдиган автомобил трассаси ноҳия марказидан ўтади. Йўлнинг ўнг томонида маиший хизмат ва савдо нуқталари ҳамда бозор жойлашган. Шу пайт йўл четига «Икарус» автобуси секин тўхтади. Унинг эшиклари очилди ва икки қўлида икки чамадони бўлган чаққон қизча машинадан тушди. Юклари оғир бўлса керак, чамадонларини кўтарганча, райком биносига томон йўл олди. Бино этагига назар солдим. Ҳовлидаги дарахтлар соясида уч киши суҳбатлашиб туришар эди. Уларнинг бири - ноҳия раҳбари Тожиддин ака Турдиев. Меҳмон қиз шошганича Тожиддин аканинг ёнига келди.

Бир пасдан сўнг, у кабинетимга кириб келди. Ўзини эски танишлардай тутиб, креслога ташлади. Салқинда анча ўзига келгач, гапира кетди:

- Москвадан келяпман. Тарих факултети студентиман. Каникулга чиқдик. Мени устозим Игор Рубинович Пичикян чақирган. Тахти Сангинга боришим керак.

-Бу масалани ҳалиги пастдаги киши ҳал қилади. У киши райкомнинг биринчи котиби, - дедим.

Меҳмон қиз ўқдай учиб пастга тушиб кетди. Бир пасдан кейин, Тожиддин Турдиевич мени яна пастга чақирди.

-Меҳмоннинг ниятларини билдингизми?

-Билдим, - дедим.

-Шу бугуноқ ҳал қилиб, натижасини менга айтасиз.

Мен Дина билан яна иш кабинетимга чиқдим. Қоғозларимни йиғиштириб, «Жигули»мда йўлга тушдик. Машинамда Тахти Сангинга бориш имкони йўқ. Бошқа бирор чора топиш лозим эди.

Қизи тушмагур жуда шўх ва қувноқ экан. Тахти Сангин тарихий ёдгорликлари жойлашган Худойқулов жамоатига қандай қилиб етиб келганимизни ҳам билмай қолдик. Жамоат ҳудудидаги «СССР 50 йиллиги» колхози партия комитети котиби Ғайратшо Алиевни учратиб, унга меҳмонни археологик ишлар олиб борилаётган жойга элтиб қўйишини тайинладим ва ўзим орқага қайтдим.

***

Орадан икки-уч ҳафта ўтгандан кейин, котибнинг топшириғи билан археологик ишларини олиб бораётган гуруҳлар таъминотини кўриб келиш ва уларга маиший-маданий хизмат кўрсатиш учун агитбригадa тузиб, ўша жойга йўл олдим.

Аввал ҳам бу ерга кўп марта келган ва бригаданинг раҳбарлари академик Борис Анатолиевич Литвинский ва Игор Рубинович Пичикянлар билан кўп суҳбатлашгандим. Шунинг учун улар билан учрашиш мен учун мароқли эди. Тўрт дарёнинг қўшилувидан пайдо бўладиган Амударёнинг бошланишига бордим. Бир томон - чўғдек қизиган тоғ. Бир томондан дарёнинг салқин шамоли урилиб гармселни ташкил этади. Баданни тезда қорайтириб юборади. Элликдан ошиқ одамлар чуқурларда ўралашиб, алланималарни қидиришади. Ҳеч ким билан иши йўқ, шошишмайди. И.Р.Пичикян турадиган чодир ёнига яқинлашар эканман, орқамдан «Коля» деган овозни эшитдим. Не кўз билан кўрайки, бу ўша Дина эди. Уни таниб бўлмасди. Бутунлай қорайиб қолганди. Қошларини қорайиш ютиб қўйган эди. Аммо у ҳали ҳам қувноқ ва шўх. У билан енгилгина ҳол-аҳвол сўрадим.

-Озиқ-овқат масаласи сал танқис экан, - деди у бирдан.

-Мен олиб келдим, - дедим ҳозиржавоблик билан.

Қиз мамнун табассум қилди.

Дарҳақиқат, ноҳия марказидан олтмиш-етмиш километр узоқ бўлган жойга, тоғлар орасидаги бузуқ йўллардан келиб-кетиш жуда оғир эди.

Ичкарига кирдим. Чодирда Пичикян йиғма каравотда чўзилиб ётар эди. Унинг бу ерда бир қўл ва оёғи ишламай қолган экан. Уни замбилда олиб юришарди. Шунга қарамай, ўз ишини давом эттирарди. Бу касбига садоқатлиликнинг олий намунаси эди. Қўл оёғи ишламаса ҳам, тетик ва жуда ҳушёр эди. Мен билан қуюқ сўрашди. Тирикчилигидан шикоят қилмади. Фақат обу ҳавонинг, ниҳоятда, иссиқлигини таъкидлаб ўтди. Аммо ишларининг яхши кетаётганидан хурсанд эди. Шу пайт чодирга Дина ҳам кириб келди. У қизни ёнига чақирди. Дина унинг қаватида тиз чўкди. Олим унинг қулоғидаги сирғасини секин олди ва менга ўгирилиб деди:

-Мана буни йигирма биринчи асрнинг ҳунармандлари ясаганлар. Қандай қўпол-а?

Сўнгра каравоти тагига қўл тиқиб, гугурт қутисини олди ва унинг ичидан сирға чиқарди.

-Мана буни сизнинг авлодларингиз икки минг беш юз йил илгари ясашган. Қайси бири гўзал?

Сирғанинг ўн икки зангуласи бўлиб, улар қатор осилиб турардилар. Зангулаларни сирғанинг асоси билан боғлаган олтин толаларни оддий кўз билан кўриш жуда қийин эди. Рости гап, у мўъжиза эди. Сирғага ҳавас билан қараб турган эдим, бир илмий ходим кириб, Пичикянга мурожаат қилди:

-Мана бу ўн икки сопол найчаларни бир жойдан топдик. Биттаси синган экан, - деди.

-Ўн иккита эканми? – сўради олим. -Яна ўн иккита бўлиши керак. Дурустроқ қаранглар. Авайлаб, синдирмасдан олинглар.

Менинг тикилиб қолганимни кўриб, қўшимча қилди:

-Нега қараб қолдингиз, ахир йигирма тўртта бўлиши керак-да, - деди.

У икки йигитни чақиртирди ва улар замбилни кўтариб ташқарига чиқаришди. Биргаликда бу афсонавий қадимий шаҳарчани айланиб, бир чоҳнинг устида тўхтадик.

-Мана шу ердан лаҳм қазилиб, дарёнинг у бетига ўтказилган, - деди Игор Рубинович. –Шу ердан йўл бўлган. Афғонистон томонга қаранг, тўғрида вайрона қалъани кўрасиз. У менга замбилда турган дурбинни узатди. Мен дурбин билан дарёнинг нариги қирғоғига қарадим.

Дарҳақиқат, кўҳна қалъа кўриниб турарди. Олимнинг тахминига шубҳа йўқ эди. Мен қўйилган арқон нарвондан чоҳга туша бошладим. Унинг зиналари ернинг шўрлигидан чириб қолган, хавфли эди. Саккиз метрча тушгач, у ёғига юрагим бетламади, орқага қайтдим. Унгача қидирувчилар яна ўн икки найчанинг қолганини ҳам топишган экан. Уларнинг ҳам биттасини синдиришибди.

-Қабодиённинг тарихи икки ярим минг йилга бориб тақалади. Самарқанд, Бухоро билан тенг, дейишади. Менимча, бу жойларнинг тарихи шоҳ Жамшид ҳукмронлиги даврига тақаладиганга ўхшайди. Бу беш минг йил, демакдир. Қабодиён чиндан ҳам тарихий дурдона. Игор билан биргаликда чодирга қайтдик. Биз келтирган тоза маҳсулотлардан тайёрланган таомларни биргаликда едик.

Пичикян менга Б.А.Литвинскийнинг «Амударинский клад» («Амударё хазинаси») китобини туҳфа қилди. Бу жуда ноёб китоб эди. Яна қўшимча қилиб деди:

-Биласизми, бу ердан Александр Македонскийнинг бюсти топилди. Қабодиёндан топилган олтин буюмлар софлиги бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди. Топилган ноёб топилмаларнинг сони ўн мингдан ошиб кетган. Қуйи Кофарниҳон ҳудудида икки юзга яқин тарихий ёдгорликлар бор. Уларни ўрганиш ва тиклаш катта маблағ талаб қилади...

Таниқли олимнинг тўлқинланиб гапиришига қулоқ солар эканман, у мендан ҳам кўпроқ фахрланаётганини яққол сезиб турардим.

- Тарихий обидалар ва бизнинг фаолиятимиз тўғрисида ноҳия рўзномасида битилган очеркларингизни таржима қилиб беришди. Раҳмат. Кошки, бошқалар ҳам сизчалик бизнинг меҳнатимизни қадрлашса. Қуйи Кофарниҳон қўшиғи тугамас қўшиқ, Қабодиённинг эса, қиссаси чексиз... -деди у.

Бу воқеадан ўттиз йилча вақт ўтяпти. Аммо Ватанимнинг тарихи ва қадимий маданиятига бағишланган бу суҳбат хотирамдан йироқ кетмайди.

***Неъмат МУҲАММАД САИД,***
***Қабодиён ноҳияси.***

## Ватаннинг фидойи фарзандлари

# ЭЗГУЛИК - ҚАЛБ ҚЎРИДАН ТАРАЛГАН ЁҒДУ…

Очерк

**Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир.**

*Жорж ДАНТОН.*

Инсонга бир сиқимгина умр ато қилинади. У вақт масофаси ва мазмун ўлчовидан холи эмас.

Одам боласи тириклигининг мезони одмигина- у фавқулодда қисқа умр кўради.

Кечириладиган умр масъулиятининг залвори - ўта оғир. Зеро, бани одамга хос умргузаронлик - жуда мураккаб жараён.

Инсон қадри унинг қанча узоқ яшаганлиги билан эмас, аксинча, ҳаётлик даврида эзгулик йўлида амалга оширган хайрли ишлари кўлами билан ўлчанади.

Дунё ғафлатида қолган одамзот ғанимат умрининг олтин қимматига тенг лаҳзалари зое кетганини кеч, жуда кеч англаб етади.

Шунинг учун ҳам, инсон боласи нима учун яшаётганлиги ҳақида астойдил бош қотириб, ҳаётнинг том маънодаги мазмун-моҳиятини англаб етишга уринмас экан, унинг тириклигини ҳаёт кўйларида ивирсиб, сандироқлаб юришдан бошқа нарса эмас, дейишга арзийди…

Башарнинг донолиги ҳам шундаки, умри қадрининг фаҳмига ўз вақтида қайғуриб, уни савобли амалларга бағишлашидадир.



*Жонкуяр устоз - Абдуқодир Назаров собиқ санкт-петербурглик шогирдлар меҳмони*

Савобга йўғрилган хайрли амаллар инсоннинг шахсий манфаатларига бегона, ундан хийла баланд туради.

Шахсий манфаатдан воз кечмоқнинг уддасидан чиқиш эса, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келаверадиган юмуш эмас. Чунки ҳар қандай шахс ижтимоий ҳаёт зинапоясининг бошидан охиригача ўз шахсий манфаатларини кўзлаб қадам қўяди.

Фалсафанинг ана шу нуқтаи назаридан шахсий манфаатларини рўёбга чиқариш васвасасида умри гулдурос солиб ўтадиган одамнинг ҳаётини чақмоққа қиёслаш мумкин. Чақмоқ қанча кўк тоқида чақнамасин, эгри бўлгани учун унинг ёруғи борлиқнинг номаълум гўшаларида йўқолиб, бесамар кетади.

Элим, юртим деб, ёниб яшаган инсоннинг ҳаёт йўли эса, шам кабидир. Шам тўғри, адлдир, куйса ҳам бошдан-оёқ нур бўлиб куяр…

***

Инсоннинг гўзаллиги- унинг қалбида…

Одам боласига обрў-эътибор, шону шараф келтирадиган чин инсоний фазилатлар унинг қалбида қулф уради, вояга етади ва камол топади.

Ёш Абдуқодир ҳам мударрис отасига эргашиб, кўплаб маротаба Андижон мадрасаси остонасини ҳатлаб ўтди. Илмга чанқоқ инсонларни кузатди, ўрганди. Одам таниди…

Ҳаётда илмнинг, билимли одамнинг ўрни бошқача бўлишини- бир поғона юқори туришини илғаб олди.

Андижон мадрасасида бутун борлиғи билан таълим олишга шўнғиб кетганида, илмнинг сирли доми қалбини сеҳрлаб қўйганини ҳали тўла- тўкис англаб етмаганди.

Илм уни муттасил ўзига чорлайверди. Абдуқодир энди билим чўққиларини забт этиш йўлида ўткинчи умри лаҳзаларини қизғанмас, аксинча, илмнинг кўмиғлик хазина эмаслигини, жонли дарахт сингари ўсиб унмоғини, гулламоғини, алалоқибат, мева бермоғини пухта тушунди.

Абдуқодир Назаров риёзат чекиб дунё илмларини ўрганишга қарор қилди. Аввал Самарқанд (1923-1925 йиллар), кейин Тошкент (1926-1931 йиллар) мадрасаларида ўз билимларига сайқал бериш баробарида толиби илмларга сабоқ ҳам айтди.

Ўтган асрнинг 1932-1937 йилларида Тошкент педагогика олий ўқув юртида таҳсил олди. Ўқитувчилик олий даргоҳини тугатгач, Андижон вилояти маориф бошқармасига мудирлик қилди.

Улуғ Ватан урушининг оловли йилларида Украина, Белоруссия республикалари ва Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)дан эвакуация қилинган болалар учун Андижон шаҳри Ўрта Шархон қишлоғида учта интернат-мактаб ташкил қилиб, уларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланди.

Маориф мудирининг ўша йилларда қилган заҳматли меҳнатлари СССР маорифи аълочиси нишони, урушга қатнашмаган бўлса-да, имтиёзли равишда "Қизил Юлдуз" ордени ва "Жасорати учун" медаллари билан тақдирланди.

Давлат ва ҳукуматнинг топшириғи билан 1947- 1949 йилларда Абдуқодир Назаров Сурхондарё вилояти маориф бошқармасига раҳбарлик қилди…

***

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, маориф жонкуярининг умр дафтарида янги саҳифа очилди.

У ўз тақдирини Тожикистон деб аталган жаннатмакон юрт билан боғлади…

Ўша замонлар унинг айни куч-ғайратга тўлган палласи эди. У энди иккинчи она-Ватанини обод этиш, унинг аҳолиси саводхонлигини ошириш йўлида ҳалол меҳнат қилишга астойдил бел боғлади.

Афсуски, пок муроду мақсадларига амал тўнини кийдириш имкониятлари чекланган эди.

Қишлоқларда мактаблар кам, мутахассис кадрлар деярли топилмасди.

Шароит оғир бўлишига қарамай, енг шимариб ишга киришди.

Чекка қишлоқлардан бири Адир-Оққўрғонда мактаб очиш пайига тушди. Бу ерлик оқсоқолларни йиғиб ўзаро маслаҳатлашди. Билимли инсонларнинг ўша замон шароитида сув ва ҳаводек зарур эканлигини аҳолига тушунтирди.



*Дунё янгиликлари шарҳланаётган лаҳза («Совет Тожикистони» газетасининг янги сони)*

-Маслаҳатли тўй тарқамас,- деганларидек, қишлоқда истиқомат қилувчи Жўрабой бобо исмли саховатли инсон уйининг бир хонасини мактаб учун ажратиб беришга рози бўлди.



*Абдуқодир Назаров*

Қишлоқда мактаб очилиши жараёнини илм даргоҳининг қалдирғоч ўқувчиларидан бири, марҳум Сафар ҳожи тўрт йил муқаддам шундай ҳикоя қилганди:

- Чамаси ўн- ўн икки яшар эдим. Қишлоғимизда ёши элликлардан ўтган, юриш-туриши, муомаласи, кийиниши одамлар диққатини ўзига жалб этган, юзу кўзларидан меҳр ёғилиб турган зиёли кўринишидаги киши пайдо бўлди. Одамлар орасида:- Қишлоқда мактаб очилармиш,- деган гаплар пайдо бўлди. Аввалига ҳеч ким ишонмади, бу гапларга.

Мактаб очиш осон ишми?!.- дея гап тарқатди баъзи оғзига кучи етмаганлар.

Орадан кўп ўтмай, отуловларда қишлоққа парта, стол-стуллар ташиб келтирилди. Чунки ўша пайтларда Қоратоғ дарёсининг икки қирғоғини туташтирувчи кўприк ҳали қурилмаганди. Борди-келди кечув орқали бўларди.

Кўрибсизки, Адир-Оққўрғон қишлоғида бинойидек мактаб очилди. Абдуқодир муаллимда одамларни ўқитиш, уларнинг саводини чиқариш иштиёқи жуда юксак эди. Бу йўлда ҳар қандай азобу уқубатни ўз зиммасига олишга доим тайёр турарди. Катта-кичикни билим олишга ҳидоят қилди. Тез орада мактаб гавжум даргоҳга айланди. Барча чанқоқлик билан таълим олишга ўзини урди.

Ажиб томони шундаки, мактаб ўқувчиларининг энг ёши кичик вакили мен эдим…

Кейинчалик мактаб хўжаликдан қолган омборхонага кўчирилди.

Шундай қилиб, Абдуқодир Назаров Тожикистонда умид билан суққан илк таёқ, бериб қолди мева-ю япроқ…

***

… Кунларнинг бирида Регар ноҳияси партия комитетининг нозири А. Каримов Жданов номли участка меҳнаткашлари билан йиғилиш ўтказиб, қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши, режалар ижроси ҳақида гаплашиб олгач, мажлисни қисқа қилиб, марказга қайтиш тадоригини кўрди.

Шунда Абдуқодир Назаров сўз олиб:- Ўртоқ Каримов,-дея вазминлик билан мурожаат қилди,- Участкамизда қишлоқ хўжалиги ишларининг аҳволи ёмон эмас. Кейинги йилларда ҳосилдорлик ошиб, мўл-кўл бўлиб бораётгани ҳеч кимга, хусусан, сизга ҳам сир эмас.

Бир нарсани унутмаслик керакки, ана шу ютуқларни мустаҳкамлаш, янги босқичга кўтариш учун билимли, малакали кадрлар керак. Буларни тарбиялашга мавжуд мактабимизнинг моддий-техник базаси жуда қашшоқ. Бизга янги мактаб, мутахассис ўқитувчилар керак. Бу билан иш илгари силжимайди. Бу борада дўппини ёнга қўйиб, чуқур ўйлаб кўрадиган фурсат етмадимикин?!.

Абдуқодир Назаровнинг келажакни кўра билиш иқтидори, ноҳия раҳбарларини мулоҳаза билан иш юритишга мажбур қилди. Орадан кўп ўтмай, Янги боғ қишлоғи (собиқ Жданов номли участкаси) масжиди ўрнида янги мактаб қад ростлади.

Ана шу маърифий мерос анъаналари ҳали-ҳануз ноҳиянинг юқорида номи зикр этилган минтақа аҳолиси ёшларини эзгулик йўлида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда…

***

Узоқ йиллар икки қондошу жондош халқлар маърифатига боғбонлик қилган, соҳанинг ривожу равнақида умри азизининг ғанимат дамларини дариғ тутмай, самимий, ҳалолу пок меҳнат қилган Абдуқодир бобо 1988 йилда Жданов участкаси (ҳозирги Янги боғ қишлоғида) 90 ёшида оламдан ўтди.

Ишининг устаси бўлган педагогдан маърифат даргоҳлари, халқ ва Ватан фаровонлиги, ободлиги йўлида хизмат қилишга камарбаста фарзандлар ёдгор бўлиб қолди.

Абдуқодир бобо умр йўлдоши София опа ила 6 ўғил ва 2 нафар қиз фарзандларни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишди.

Зурриёдларининг тўнғичи Жўрақул Назаров ота изидан бориб, педагогика олийгоҳининг чет тиллар факултетини тугатди. Узоқ йиллар Турсунзода ноҳиясидаги 5 ва 8-ўрта умумтаълим муассасаларида ёшларга дарс берди. Айни пайтда нафақахўр.

Фарзандлари Тўрақул, Қурбонали ва Фаридалар Тожикистон Савдо техникуми битирувчилари.

Ўртанчи ўғли Маҳамадали Назаров Абуали ибн Сино номидаги Тожикистон Тиббиёт дорилфунунини тугатган. Ҳозирда Турсунзода шаҳар марказий касалхонаси Нейрожарроҳлик бўлимининг мудири. Олий тоифали шифокор. Тожикистон соғлиқни сақлаш аълочиси. Тиббиёт соҳаси бўйича халқаро Ибн Сино мукофотининг совриндори.

Аҳмадали - стоматолог врач. Искандар - Тожикистон политехника олийгоҳининг қурувчилик куллиётини битирган, қурувчи-муҳандис.

Хуллас, бир оилада фарзандларга мукаммал тарбия беришнинг барча қонун қоидалари рисоладагидек рўёбга чиқарилган…

***

"Биз - келиб кетувчи тўғарак жаҳон…"

Дарёлар оқиб ўтаверади, шамоллар эсаверади. Инсон зоти келиб- кетаверади…

Хотиралар эса, инсон шуурида муҳрланиб қолаверади…

Ҳаёт мудом ривожланишда. Унинг эртанги кунини эзгулик ёритади…

Эзгуликки, Абдуқодир ота Назаровнинг умр шамидан таралган нурафшон зиё каби…

Эзгулик - қалб қўридан тараладиган порлоқ ёғду…

*Абдуҳафиз МИРЗААҲМЕДОВ.*

***P. S.** Биз илгари ҳам ("Халқ овози" №48, 2013 йил 28 ноябр "Умрнинг нурли шами") қаҳрамонимиз ҳақида мақола эълон қилиб, унинг номини абадийлаштириш таклифи билан чиққан эдик. Аммо давлат ҳокимияти Турсунзода шаҳар ижроия органи мутасаддиларидан жўяли жавоб ололмадик. Умид қиламизки, бу дафъа у ҳолат такрорланмайди…*

# Суғд вилояти янгиликлари

## «Ваҳдат куйчилари» билан учрашув

Хўжанддаги Маданият марказида «Ваҳдат куйчилари» - таниқли ижодкорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Миллий бирликнинг 20 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда вилоятда яшаётган таниқли шоир ва адиблар қатнашишди.

Маданият марказини тўлдириб ўтирган хўжандлик зиёлилар Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи Суғд вилояти бўлими раиси, Тожикистон Халқ шоири, Абу Абдулло Рўдакий номли Давлат мукофоти лауреати Аҳмаджон Раҳматзод, Тожикистон Халқ ёзувчиси Муҳиддин Хожазод, Тожикистон Халқ шоири Нурмуҳаммад Ниёзий ва «Паёми Суғд» адабий-ижтимоий журнали бош муҳаррири, таниқли шоир Озарахшларнинг чиқишларини қизиқиш билан кутиб олишди.

Ижодкорлар Ваҳдатнинг мамлакат ва миллат ҳаётида тутган беқиёс ўрни, унга эришиш учун чекилган заҳматлар ҳақида гапиришди. Ижодкорлар Ваҳдатни кўз қорачиғидек асраш ҳар бир тожикистонликнинг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлаб, Миллий бирликка бағишланган шеърлар ўқишди.

## Хайрли ташрифлар

Хўжанд шаҳри раиси Маъруф Муҳаммадзода муборак Рамазон ҳайити ва Ваҳдат байрамининг 20 йиллиги арафасида хўжандлик машҳур ишчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроҳ Тоҳирова хонадонига ташриф буюрди. Байрам совғаларини қабул қилиб олар экан, бу меҳнатсевар онахон ўзига нисбатан берилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси Эмомали Раҳмон ҳамда мазкур шаҳар ҳукумати раҳбарларига миннатдорчилик билдирди.

Шаҳар раиси ва унинг ҳамроҳлари меҳнат фахрийлари Махфират Дадабоева, Георгий Крушин, ота-онасиз қолган тўрт нафар етим болани қарамоғига олиб тарбиялаётган Мадина Шарипова, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, юрт учун, эл учун меҳнатини, жонини аямаган инсонлардан яна олти нафарининг хонадонида бўлиб, байрамлар билан муборакбод этишди.

## Ёш мутахассислар танлови

Тожикистон Техника университетининг Хўжанддаги политехника олий ўқув юртини тугаллаётган 44 нафар ёш мутахассис ўқишдан сўнг, аниқ корхоналарда иш бошлаш имконига эга бўлди. Бунга олий ўқув юрти раҳбарлари ташаббуси билан ўтказилган «Муносиб мутахассис танлаш» деб аталган ярмарка имконият берди.

Ярмаркада «Равзана пласт», «Фаровон», «Файзи расул», «Тиниал», «САТН» каби ширкатлар, «Эсхата», «Имон-интернешнл», «Спитаменбонк» каби банклар, умуман, 50дан ортиқ корхона вакиллари иштирок этишди. Олий ўқув юрти кафедралари ходимлари, олимлар, ўқитувчилар ўз шогирдларининг нималарга қодир эканликлари ҳақида сўзлаб беришди. Талабалар нималарни ўрганишгани, нималарни билишларини амалда кўрсатишди.

Хўжанд ва унинг атрофида жойлашган корхоналардан ташриф буюрган вакиллар минг нафарга яқин талаба таълим олаётган олий ўқув юрти аудиторияларида бўлиб, бевосита бўлажак ёш мутахассислар билан учрашишди. Вилоят раиси матбуот марказидан билдиришларича, бу каби тадбирлар ёш мутахассисларнинг тезда муносиб иш ўринлари топишларига ва корхоналарнинг билимли, малакали мутахассислар билан таъминланишига хизмат қилади.

## Масъулиятни унутганларга – жарима

Кейинги бир йилу беш ой давомида Конибодом шаҳрида 200 нафардан ортиқ ота-она вояга етмаган фарзандлари томонидан қонун бузиш ҳолларига йўл қўйилгани учун жавобгарликка тортилган. Улардан 114 нафари жаримага тортилган.

Шаҳар ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши шаҳар прокурори Набижон Набиев раҳбарлигида ўтди. Унда Конибодом шаҳар раиси Ғайбулло Боҳирий ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари раҳбарлари масъуллари, маҳалла қўмиталари раислари, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирок этишди.

Кенгаш шу куннинг муҳим мавзуларидан бири – «Тожикистон Республикасининг «Фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисида»ги қонуни ҳолатини текшириш» масаласини муҳокама қилди. Шаҳар прокурори Набижон Набиев қонун ижроси борасида Конибодомда анчагина муҳим ишлар амалга оширилганини таъкидлаш билан бирга, ҳалигача айрим ота-оналарнинг ўз масъулиятига бепарво қарашаётганини мисоллар билан айтиб ўтди. Шаҳар раиси Ғайбулло Боҳирий жамият учун муносиб, баркамол фарзандлар тарбиялаш ота-оналарнинг муҳим вазифаси эканлигини, ёш оилаларнинг ажралиб кетишлари, ўғил-қизлар тарбиясига эътиборсизликнинг салбий оқибатлари, оила, маҳалла ва мактаб ўртасидаги алоқаларни кучайтириш борасида сўзлади.

Давлат ҳокимияти Конибодом шаҳар ижроия органидан хабар беришларича, кенгаш қатнашчилари болалар ва ўсмирлар тарбиясини яхшилаш, бу борада ота-оналар масъулиятини янада кучайтириш учун зарур чора-тадбирлар белгилашган.

## Янги иншоотлар – доимий иш ўринлари

Миллий бирликнинг йигирма йиллиги нишонланган кунлар Спитамен ноҳиясида бир қатор янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, Т. Ўлжабоев номли қишлоқ жамоатида ғишт қуйиладиган корхона, Меҳнатобод қишлоғида зотли чорва учун бинолар, Навқат шаҳарчасида ғаллани қайта ишловчи янги қўшимча цех, Тоғаякда тошларни қурилиш учун қайта ишловчи корхона ишга туширилди.

Хуррамзамин қишлоқ жамоатида эса, иккита кўприк таъмирланди. Бу хайрли ишлар, асосан, маҳаллий тадбиркорлар ташаббуси ва уларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилди. Давлат ҳокимияти ноҳия ижроия органидан хабар беришларича, янги иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши натижасида янги иш ўринлари пайдо бўлган. Камида ўттиз киши доимий иш билан таъминланган.

Янги иншоотларни топшириш маросимларида ноҳия раиси Акрам Сулаймонзода ва Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндалар мажлиси вакили Аҳмаджон Қобилов иштирок этди.

## Ҳушёр чўпонга - медал

Шу кунларда Панжакентдаги Амондара қишлоқ жамоатида яшовчи кишилар ҳамқишлоқлари Бобохон Маллахоновнинг номини ҳурмат билан тилга олишмоқда. Амондараликларнинг айтишларича, агар Бобохон телефон орқали хабар қилмаганида, кўп кишилар ғафлатда қолиб, селдан қочиб қутулмаган бўлишлари мумкин эди.

Бобохон тоғ этакларида қўй-қўзи боқиб юрар экан, сел келаётганини кўриб қолади. У зудлик билан қишлоқдаги танишларига қўнғироқ қилади ва тезда сел йўлидан узоққа кетишларини тайинлайди.

Мамлакат Фавқулодда ҳолатлар ва фуқаролар мудофааси қўмитаси раиси фармони билан Бобохон Маллахонов «Фавқулодда ҳолатларни бартараф қилиш қатнашчиси» медали билан мукофотланди. Мазкур қўмитанинг Панжакентдаги бўлими мутахассисларининг айтишларича, агар чўпон ўз вақтида хабар бермаганида, сел туфайли инсон талафотлари ҳам бўлиши мумкин эди.

Вилоят раиси матбуот хизматидан хабар қилишларича, ҳушёр чўпон маҳаллий ҳукумат томонидан ҳам қадрланган. Унга Суғд вилояти раиси Абдураҳмон Қодирий қимматбаҳо совға – замонавий телевизор тақдим қилган.

*Ўз мухбир.*

## ••••• Миллий бирлик - 20 йил •••••

# ТАРИХ ГУВОҲ




Тарихдан аёнки, тожик миллатига турли даврларда тарқоқлик ва йўқ бўлиб кетиш хатари бир неча марта таҳдид қилиб, минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида ўзини йўқолиб кетишдан сақлаб келди ва бугун ўзининг миллий ҳамда давлат мустақиллигини қўлга киритди. Бугун эса, миллатимизнинг ўз давлати ва Ватани борлигига шукрона қилмоғимиз керак.

Ўтган асрнинг охирларида ташқи кучлар таъсири остида ички омиллар вужудга келиб, давлатга қарши фикрлар шаклланиши учун қулай шароит яратиб берди. Миллий ифтихор ҳисси ва ижтимоий адолат талабини диний-сиёсий бузғунчилик ва миллатчилигу маҳалчиликка қараб буриб юборди. Тожикистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, бу омиллар авж олди. Бошланган фуқаролик уруши бир томондан мамлакат минтақаларидаги бир хил бўлмаган иқтисодий тараққиёт, бошқа томондан эса, маҳалчилик, мансаб талашиш, диний ва партиявий қаршилик каби салбий омилларнинг бир-бирига қоришиб кетганлиги натижаси эди.

Бироқ тарихда ҳаётий манфаатларнинг қўлдан кетишига сабаб бўлган тожикларнинг кечириш ва келиша олишлик каби миллий характер ва тинчликпарварлик табиати бу сафар умуммиллий манфаатларни англаш учун ёрдам берди. Бу мамлакат халқининг узоқни кўра олиш ва донолигини ифода этарди. Тинчлик ва миллий келишув умумий битимининг имзоланиши миллатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида туб бурилишга сабаб бўлди.

Тинчлигу барқарорлик ва миллий бирликка эришиш Тожикистон халқининг буюк ва тарихий ютуғи бўлиб, бизга дўст бўлган давлатларнинг қўллаб-қувватлаши ўлароқ, мамлакат аҳолисининг бирдамлиги ва унинг содиқ фарзандлари заҳмати натижаси эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам, миллатимиз бу муқаддас ва бебаҳо неъмат – миллий бирликни кўз қорачиғидай асраши, унинг қадрига етиши ва ватанпарвар ёшларни келажакда бу ноёб марваридни асраш руҳида тарбияламоғи керак.

Миллий бирлик, аввало, у ёки бу миллат ҳудудида фаолият юритадиган барча қатламлар, тузилма ва кучларнинг бирдамлигини назарда тутади. Таъкидлаш жоизки, бирлик атамаси остида миллати ва динидан қатъий назар, мамлакат барча фуқаролари бирлиги тушунилиши керак. Миллий бирлик, бошқача қилиб айтганда, миллий манфаатларни шахсий, этник ва гуруҳ манфаатларидан устун қўймоқлик демакдир. Шу боисдан, мамлакат аҳолисининг тинч, осойишта ва яхши турмуш шароитида ҳаёт кечиришлари барча халқни бирлаштирадиган ва ҳақиқатдан ҳам, халқни бирликка олиб борадиган олий қадриятлардан биридир. Бу жараёнда иқтисодий омиллар ва халқнинг турмуш даражаси ўзига хос мавқега эга.

Айни пайтда дунё мамлакатларининг халқаро, илмий ва сиёсий ташкилотлари тожиклар сулҳи тажрибасини ўрганмоқда. Уни халқаро даражада тинчлик яратиш тарихида кам учрайдиган ҳодиса сифатида баҳолашиб, ҳатто, баъзи нотинч мамлакатлар вазиятини мўътадиллаштириш учун ҳам унинг тажрибасидан фойдаланадилар.

Бу сўзлар, бизни мамлакатимиз тинчлиги-ю барқарорлиги қадрига етишга, шунингдек, уни асрашда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган ҳолда, унинг қадриятларини ҳимоя қилишга ундайди.

*Саидғуфрон АБДУЛЛО,*
*Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Маҳаллий ривожланиш комитети ҳуқуқий таъминлаш ва назорат бўлими бошлиғи.*

### Ватан - муқаддас маъво

# ДЕҲҚОННИНГ ГЕНЕРАЛ ЎҒЛИ
## ЁКИ МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ИНСОН

Донишманд айтганидек, инсоннинг умри неча йил яшагани билан эмас, амалга оширган эзгу ишлари билан ўлчанади. Спитамен ноҳиясида бу хусусда гап кетганда, албатта, генерал Абдужалил Абдусаломов номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Оддий, хоксор бу инсон чиндан ҳам мангуликка дахлдордир.

Абдужалил Абдусаломов 1936 йил 17 ноябрда Нов (ҳозирги Спитамен) ноҳиясининг Қўштегирмон (ҳозирги Сариосиё) қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Абдужалил 2 ёшга етганда, тақдир уни отасидан айирди. Ҳаётнинг барча машаққатларини тортиш, фарзандни тарбиялаб, камолга етказиш онаси Нурбибининг зиммасига тушди.

*Ота дийдорига*
*зору саргардон,*
*Эркалик нелигин*
*билмаган инсон.*
*Тириклик гамларин*
*тотган ўксик жон,*
*Бу менинг ёшлигим,*
*менинг ёшлигим…*

Нурбиби хола қишлоқнинг саводли аёлларидан эди. Шу боис, ёш Абдужалилнинг ёшлигидан билимли бўлишига ҳаракат қилди. Уйда ҳам ўқиш-ёзишдан сабоқ берди, сўнгра қишлоқдаги 10-ўрта мактабга элтди. Онаизорнинг мақсади битта эди: Абдужалил ўқиб, халқу Ватанга керакли инсон бўлиб етишса.



Волидасининг орзу-умидларини рўёбга чиқариш мақсадида Абдужалил ўрта мактабни тугатгач, олийгоҳга кириш учун мамлакат пойтахти – Душанбега келди. Моддий шароит боис бир йил қурувчи сифатида меҳнат қилди. Ниҳоят, 1957 йили у В. И. Ленин номидаги Тожикистон Давлат университети (ҳозирги Тожикистон Миллий университети)га ҳужжатларини топширди. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган Абдужалил Абдусаломов ушбу олийгоҳни 1962 йил битирди. Онаси Нурбиби холанинг орзу-умидлари рўёбга чиқди.

Абдужалил дастлабки меҳнат фаолиятини Тожикистон Республикаси Бош прокуратурасининг умумий назорат бўлимида бошлади. Бу ерда тажрибали ҳуқуқшунос К. И. Шварцдан соҳа нозикликларини қунт билан ўрганди. 1964 йилнинг ноябрида Абдужалил Тожикистон Компартияси Марказий Комитети Ижроия аппарати ҳузуридаги маъмурий орган бўлими инструктори вазифасида меҳнат қилди. Бу вазифада 1971 йилгача ишлади. Бу орада, яъни 1969 йил собиқ СССР Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Тошкент олий партия мактабида ҳам таҳсил олди. Абдужалил Абдусаломов 1972 йили Хўжанд шаҳри прокурори, 1977 йил эса, Қўрғонтепа вилояти прокурори вазифаларида самарали фаолият кўрсатди. Бенуқсон иш олиб боргани боис, вилоят ҳуқуқшунослари орасида катта обрў-эътибор қозонди, шуҳрат топди. Шу боис ҳам, ўша кезлари Абдужалил Абдусаломов Тожикистон Олий Совети Президиуми фармонига кўра, «Тожикистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос» унвони билан мукофотланди. Шунингдек, собиқ СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан у III даражали давлат адлия маслаҳатчиси этиб тайинланди ва генерал-майор унвонига эга бўлди. 1987 йили А. Абдусаломов Турсунзода шаҳри прокурори сифатида фаолият олиб борди.

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллари суронли кечгани кўпчиликка маълум. Ана шундай таҳликали даврда унга нисбатан қуролланган кишилар қуролдошларига очилган жиноий ишни тўхтатиш хусусида таҳдид оҳангида қўнғироқ қилишарди, ҳатто, уйига ҳам келгандилар. Аммо А. Абдусаломов шундай кезларда ҳам қонун юзасидан иш кўриб, давлат ва жамият нуфузини сақлаб қолишга ҳисса қўшганди. 1994 йили Тожикистон Прокуратурасининг 70 йиллиги тантанасида Абдужалил Абдусаломовга «Тожикистон Республикаси прокуратураси органининг хизмат кўрсатган ходими» фахрий унвони берилди. 1995 йил у Суғд вилояти прокурорининг ўринбосари, 1996-1998 йиллар Ж. Расулов ноҳияси прокурори, сўнгра Исфара шаҳрида нафақага чиққунча фаолиятини давом эттирди. А. Абдусаломов умри давомида устозларидан ўрганганларини шогирдларига меҳр билан ўргатиб, ибратли фаолиятини тарих зарварақларига муҳрлаб кетди.

А. Абдусаломов турмуш ўртоғи Ҳалима опа билан бахтли ҳаёт қуриб, уч нафар фарзандни дунёга келтириб, камолга етказди. Нодирахон - иқтисодчи, Сайёра - ўқитувчи, якка-ю ёлғиз ўғли Алишер ота изидан борди. Айни пайтда у давлат ҳокимияти Спитамен ноҳияси ижроия органида бош мутахассис-ҳуқуқшунос вазифасида фаолият кўрсатяпти.

Самарали меҳнатлари эвазига А. Абдусаломов 2004 йили II даражали «Шараф» ордени билан мукофотланди.

Ҳикоямиз қаҳрамони, бутун умрини қонун устуворлигига бағишлаган чин инсон Абдужалил Абдусаломов 2005 йилда 69 ёшида вафот этди. Аммо у киши гарчи жисман орамизда бўлмаса-да, қилган ибратли амаллари билан мангу барҳаётдир.

***Раҳматжон ШОЙИМҚУЛОВ,***
***Спитамен ноҳияси.***

### Қишлоқ хўжалиги – муҳим соҳа

**Айни пайтда етиштирилган ҳосил, жумладан, мева ва сабзавотларни йиғиш фурсати етди. Барча раҳбарлар, мутахассислар ва деҳқон хўжаликлари бу масалага жиддий эътибор беришлари, такрорий экин экиш, маҳсулотларни захира қилиш, унинг экспорти учун қўшимча чоралар қабул қилишлари ҳамда севимли Тожикистонимиз тараққиёти ва гуллаб-яшнаши йўлида халқни бунёдкорлик ишларига сафарбар этишлари зарур.**

*Эмомали РАҲМОН.*



# ТАКРОРИЙ ЭКИН – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

***Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон қишлоқ хўжалиги соҳасида такрорий экин экиш муҳим тадбир бўлиб, у турмушимиз фаровонлиги омили эканлигини мудом таъкидлаб келади. Айни пайтда мамлакатимизда, жумладан, Хатлон вилоятида ҳам етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш маъракаси қизгин кечмоқда. Бўшаган ерлардан самарали фойдаланишни кўзлаган деҳқонлар такрорий экин экиш тараддудига тушганликлари рост. Мана шу муҳим тадбирни йўлга қўйишда маслаҳат олиш мақсадида тажрибали деҳқон, узоқ йиллар Бохтар ноҳияси қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бош агрономи вазифасида фаолият юритган, айни пайтда кексалик гаштини сураётганлигига қарамай, деҳқон хўжаликларининг ёш раҳбарлари орасида ўзининг фойдали маслаҳатлари билан эҳтиромга сазовор бўлиб келаётган Ражаббой Жўрабоев билан суҳбат уюштирдик.***



**- Ражаббой ака, буғдойдан бўшаган суғориладиган ерларга қандай экинларни экиб, яхши ҳосил олиш мумкин?**

- Тажрибали деҳқонларимизнинг таъкидлашларича, Вахш водийсида 18 июнгача баҳор фасли ҳисобланаркан. Буни қарангки, ўша куни тушдан кейин экилган экин ҳам бунгача экилганидан фарқи бўларкан. Узоқ йиллар давомидаги иш тажрибамда буни синаб кўрганман. Айрим хўжаликларда ноябр ойи ўрталарида экилган буғдой июн ойида пишиб етилади. Ҳосилни зудлик билан йиғиштириб олиб, экин майдони суғорилса ва нами қочмаган ерга «Қирғиз-3» навли чигит, шунингдек, маккажўхори, шоли экилса, мўл ҳосил таъминланади. «Такрорий экин – хирмони тўкин» - деганларидек, айрим пешқадам хўжаликлар буғдойдан бўшаган суғориладиган ерга эртапишар «Наманган-77» навли чигит экиб, кўнгилдагидек ҳосил кўтарганликларининг гувоҳи бўлганман.

**- Такрорий экилган зироатларнинг пишиб етилиши ва уларнинг ерга таъсири ҳақида тўхталиб ўтсангиз…**

- Серқуёш ўлкамиздаги қулай иқлим шароитида пишиб етилиши 90-100 кунни ташкил қиладиган зироатлардан такрорий экилган маҳаллий эртапишар маккажўхори, шоли ва дуккакли ўсимликлар, шунингдек, сабзавотнинг барча турларига агротехника қоидалари асосида ишлов берилса, мўлжалдаги ҳосил қўлга киритилади. Такрорий экинларнинг ерга таъсири ижобий бўлиши табиий. Тасаввур қилиб кўринг, бир гектар майдонда камида бир миллион туп буғдой ўсади. Буғдойдан бўшаган ерни бойитиш, ундан фойдаланиш маданиятини ошириш учун дуккакли зироатлар оиласига мансуб бўлган ловия, мош ҳамда нўхатнинг такрорий экилиши, шунингдек, ерни алмашлаб экишда бу зироатлардан фойдаланиш орқали ерга жуда катта миқдорда азот етказиб берилади. Бунинг эса, келгусида экиладиган экинлар ҳосилдорлиги учун аҳамияти каттадир.

**- Ражаббой ака, тажрибали деҳқон сифатида сабзавотнинг кузги мавсумда экиладиган турлари ва уларни экиш вақти ҳақида икки оғиз гапирсангиз…**

- Ўлкамиз иқлими йил мобайнида сабзавот экиш ва улардан мўл ҳосил олишга имкон беради. Фақат саратоннинг жазирама иссиқ кунлари – 10 июлдан 10 августгача экилган уруғнинг ниш уриши ва кўчатнинг ушлаши бироз қийин кечади. Тажрибали деҳқонлар бу муддатда ерни шудгорлаб қўйиб, унинг саратон офтобидан баҳраманд бўлишини таъминлайдилар. Бу тадбир ерни унумдор қилиш омилларидан бири ҳисобланади. Карам, картошка, сабзи, турп, шолғом ва ош лавлаги каби сабзавотлар август ойидан бошлаб экилади. Бу сабзавотларнинг пишиб етилиш жараёни 85-90 кун давом этиб, ҳаво мўътадил бўлган пайтда ҳам етилаверади. Картошка билан карам кўчат тарзида, сабзи, шолғом, ош лавлаги эса, уруғидан сепма тарзида ва турп чимдиб экиш усулида экилиши лозим. Бу сабзавот турларидан ўлкамиз шароитида бемалол 100-150 центнергача ҳосил кўтарса бўлади.



**- Такрорий экин ва куз фаслида экиладиган сабзавотларнинг аҳамияти тўғрисида нима деган бўлардингиз?**

- Агар ўзимнинг деҳқонлик тажрибам ҳамда агроном сифатида айтадиган бўлсам, қулай табиий шароити мавжуд қуёшли ўлкада яшасак, ариқларимизда шаффоф сувлар оқиб турса, ота-боболаримиздан мерос қолган серҳосил ерга эга бўлсагу бу имкониятлардан самарали фойдаланмасак, увол бўлади.

Такрорий экин ва куз фаслида экиладиган сабзавотлар ердан фойдаланиш маданиятини ошириб-гина қолмай, балки алмашлаб экиш талаблари бажарилиши ҳам келгусида мўл ҳосил яратиш учун муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бу тадбирлар элимиз дастурхони фаровонлиги ҳамда мамлакат ички бозорларини бойитиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омили бўлиб хизмат қилиши турган гап.

***Суҳбатни Давронбек КАРИМОВ уюштирди,***
***Бохтар ноҳияси.***

# Хатлон вилоятидан хабарлар

## Сертификатлар топширилди

Хатлон вилоятида уч ойлик "Раҳбар-қизлар" курслари якунланди. Курслар давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи ва вилоят Хотин-қизлар ва оила ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилганди. Бу тадбир Тожикистон Республикасида Раҳбар кадрларни тайёрлаш давлат дастури доирасида амалга оширилди.

Уч ой давомида вилоят олий ўқув юртлари ва коллежлари талабалари курсларнинг фаол тингловчилари бўлишди. Уларга турли соҳа раҳбар-аёллари лекция ўқидилар. Шунингдек, талабалар билан Хатлон вилояти раиси ўринбосари Махфират Хидирзода ҳам бир неча машғулот ўтказди.



Курс тингловчиларига сертификатлар топшириш тантанали маросимида Махфират Хидирзода мамлакат раҳбарияти ҳамиша ёш аёллар ва қизлар ҳисобидан кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратишини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, уларнинг квота орқали таҳсилларини давом эттириш имкониятлари мавжудлиги қўшимча қилинди.

Хатлон вилояти Хотин-қизлар ва оила ишлари бошқармаси маълумотига кўра, курсларда Қўрғонтепа шаҳридан 26 нафар фаол талаба қатнашди. Ўтган ҳафта Махфират Хидирзода Кўлоб шаҳридаги шундай курснинг 26 нафар тингловчиларига сертификатлар топширганди.

## Ёшлар йилига бағишлаб…

Ёшлар йилига бағишланган тадбирлар доирасида Мўминобод ноҳиясида велосипед пойгаси мусобақалари ўтказилди.

Давлат ҳокимияти Мўминобод ноҳияси ижроия органидан хабар беришларича, тадбир ноҳия Ёшлар ва спорт бўлими ташаббуси билан ташкил қилинди. Спорт тадбирида ноҳиянинг 100 нафар фаол ёшлари иштирок этишди. Мазкур спорт тадбири доирасида ноҳия маркази ва қишлоқ жамоатларида турли спорт мусобақалари ташкил қилинди.

## Қарияларга ғамхўрлик

Бирлик ва миллий тотувлик байрамининг 20 йиллиги ҳамда Рамазон ҳайити арафасида Хатлон вилояти Фармацевтик фаолият давлат назорати хизмати бошқармаси ходимлари ва соҳа соҳибкорлари қариялар уйларига бир марталик моддий ёрдам кўрсатишди.

Бу ҳақда давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органидан хабар беришди.

Манбанинг маълум қилишича, фармацевтика соҳаси тадбиркорлари Ёвон ва Вахш ноҳиясидаги қариялар уйларига озиқ-овқат ва гигиена маҳсулотлари етказиб беришди.

Шунингдек, Хатлон вилояти Фармацевтик фаолият давлат назорати хизмати бошқармаси Қўрғонтепа шаҳри Ногиронлар жамияти ва Бохтар ноҳиясидаги Ногиронлар ва қариялар турар жойи республика муассасасига моддий ёрдам кўрсатишди.

## Кутубхонанинг доимий муштарийлари

Мўминобод ноҳиясининг "Кулчашма" қишлоқ кутубхонасига 100 нафар аёл доимий муштарий бўлишди.



Ноҳия раиси ўринбосари Лутфия Жумаеванинг хабар беришича, қишлоқлик уй бекалари бўлган ёшларнинг бир қисмини хорижий тилларни ўрганиш бўйича турли тўгаракларга жалб эта олишди. Шунингдек, кутубхона қошида шаҳмат ва шашка бўйича секциялар амал қилади.

***Ўз мухбир.***

### НУҚТАИ НАЗАР

# ЗАМОНАВИЙ ОППОЗИЦИЯ СИЙМОСИ

1990-йиллар аввалида постсовет фазода мустақил давлатлар сиёсий тизимларида ғарб томонидан янги ташкил этилган оппозициянинг мажбурий фаолияти принципини жорий этиш бўйича фаоллик кескин кучайтирилди. Бу, ўшанда қатъий тиришқоқлик билан демократиянинг ажралмас бир қисми ва зикр этилган мамлакатлар янги раҳбариятининг демократик идеалларга содиқлигининг бир ҳолати сифатида кўрсатиларди. Охиргиси ғарб сиёсий элиталари даврасига кириш чиптаси ва шерикчилик муносабатлари ўрнатишнинг ўзига хос шарти эди.

Ўтган давр мобайнида МДҲ мамлакатларининг аксарияти ҳудудида оппозицион фаолият, асосан, сиёсий партиялар кўринишида шаклланган бўлиб, аста-секинлик билан ҳокимият билан ўзаро конструктив амал қилувчи хусусиятга эга бўлди. Бунда курашнинг куч ишлатиш усулига таянган ва амалдаги ҳокимият билан муросага келмайдиган тортишувларга асосланган энг радикал кучлар сиёсий майдондан сиқиб чиқарилиб, хориждан паноҳ топишди. Бироқ ҳар бир аниқ ҳолатда бу жараён давлатнинг геосиёсий потенциали, тарихий ҳодисалар, сиёсий маданият ва бошқалар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятига эга эди.

Шу тарзда, бугун оппозицияни бир қатор постсовет мамлакатларида иккита сегмент - Қирғизистондаги "Ота-Журт" партияси каби давлат ҳудудида расмий фаолият юритаётган ва мамлакат ташқарисида, яъни Тожикистонда ТИТП террорчи-экстремист ташкилоти каби "қувғиндаги оппозиция"га ажратиш мумкин. Бунда, улар мақому мавқелари, моҳияти орасида фарқ бўлишига қарамасдан, кўрсатилган иккала сегментнинг ҳам ғоявий асоси ҳамда улар етакчиларининг ахлоқий қиёфалари бир хилдир. Ҳокимиятни қўлга киритиш ҳаракатлантирувчи куч ва фаолиятнинг асил мақсади бўлиб, дастурий ҳужжатлар, давлатни ривожлантириш йўл ва усулларини кўриш - булар атиги ниқоб ва ҳокимиятга эришиш воситаси саналади. Оппозиция етакчилари учун ҳокимият давлат охуридан овқатланиш, мулкий манфаатлар ва имтиёзлардан фойдаланиш механизми сифатида қабул қилинади. Ҳақиқат шундаки, бугун бутун постсовет оппозицияси орасида ахлоқий-маънавий сифати ва ҳаётий низомлари ақаллан, бироз зиёли кишилар маънавий дунёсини эслатадиган, улар учун давлатни ўзгартириш ва халқ ҳаётини яхшилаш ғоясига содиқлик шахсий фаровонлиги ва аҳволидан юқори турмайдиган бирор етакчини учратиш мумкин эмас. Замонавий оппозицион фаолият сиёсий тижоратни олиб бориш кўринишига эга бўлади. Бу йўналишда юқорида зикр этилган иккита сегментнинг фарқи шундаки, расмий оппозиция бир вақтнинг ўзида хориждан яширин тарзда молиялаштирилиб, аниқ бир миқдорда амалдаги ҳокимиятдан ҳам озиқланади. Ноқонуний оппозиция иккинчи манбадан тўлиқ маҳрум этилиб, бутунлай хорижий махсус хизматларнинг ёрдам пуллари ҳисобидан амал қилади.

Юқорида ифода этилган ибораларда МДҲ ҳудудида юз берган "рангли инқилоб"лардан нима учун оддий халқ ва давлатчиликка ҳеч нарса бермаганининг сабаби келиб чиқади. Фақат улар ҳақида ҳеч ким ўйламаган. Халқдан ҳар доимгидек фойдаланишди ва гумроҳ қилишди. Ҳаёт ва аччиқ тажриба ҳеч нарсага ўргатмагани энг ғалати ҳолатдир. Сиёсий қаллобликнинг эски схема ва усуллари ҳалигача самарали иш беришда давом этмоқда. Ва халқ "ҳалол оппозиция"нинг кўзбўямачилигига аввалгидек ишониб, ўз "қутқарувчилари"нинг мулкий бойлиги ва даромад манбаларига диққат билан назар солишни унутади.

Бу нимага олиб келиши сўнгги барча "рангли инқилоб"лар мисолида кўриниб турибди. Фақат "замбарак еми" сифатида фойдаланилаётган оддий одамларгина ҳеч нарсани сезмайдилар ёки сезишни истамайдилар. Бунинг учун кейин нафақат ўзлари, балки уларнинг оилалари ҳам товон тўлашларига тўғри келади.

***Иброҳим СУЛТОНОВ.***

## Сенинг фарзандларинг, Тожикистон!

# БИРИНЧИ МУКОФОТ – «ОЛТИН БОШОҚ»

Зафаробод ноҳияси қишлоқ хўжалиги бошқармасининг раҳбари Қурбон Шодиев билан ишларнинг бориши борасида суҳбатлашиб ўтирган эдим, эшик очилиб, чеҳрасидан нур ёғилиб турган, барваста нуроний киши кириб келди.

-Э-ҳа, келсинлар, келсинлар... Совет давридан бери энди кўришим. Лекин газеталар орқали ўқиб тураман. Укамиз эсон-омонлигини биламан, -эски қадрдонлардай қучоқ очди.

Билдимки, бу киши Зафарободнинг донғини кенг оламга таратган эски чўлқуварлардан... Аммо...

-Ахир ҳозиргина телефон қилувдим-ку. Бу киши Умрзоқ Дониёров, кўрдингизми, сизу биздан тетиклар,- деди Қурбон Шодиев.

-Бўлди, бўлди,- дедим ўз замонида «Комсомоли Тожикистон» совхозига пахта теримига келганимиз ва бу заҳматкаш, меҳнат аҳлига ғамхўр бўлган инсонни эслаб. -Ҳожиларга ўхшаб кетибсиз, Умрзоқ ака. Эҳтимол Ҳажга ҳам…

-Қўйсангиз-чи, халқ учун меҳнат қилсанг, тўртта одамнинг бошини қовуштириб, йиқилганни суясанг, Ватанингга содиқ бўлиб шарафини кўкларга кўтарсанг… менимча, ҳар қандай ҳожиликдан кам эмас. Буёғи насиб,- деди Умрзоқ ака.- Уйга ўтайлик, ўша ерда бафуржа суҳбатлашамиз,- дея қўшиб қўйди.

Рости гап, Тожик Мирзачўли деб аталмиш қақроқ, саксовулу янтоқ ўсиб ётган бийдай чўлни бугунги обод, гулу гулзор маконга айлантиришда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Акбар Ҳожимуродов, Сангин Эшов, давлат мукофоти лауреатлари Зиёвиддин Ҳакимов, Абдукарим Қосимов, шунингдек, Бобо Шоғолибов, Ҳамид Алиев, Қурбонали Суннатуллоев кабилар кўз нурлари-ю, қалб қўрлари, билак кучлари ва ғайратларини сарфлаб, эл ичра обрў-эҳтиром топдилар. Шулар қаторида Умрзоқ Дониёров ҳам…

-Биринчи мукофотим?.. Ҳмм…1979 йили 120 гектар ерга чигит экиб, 73 тонна ҳосил олдик. Аниқроғи, олдим. Нега деганда, ўзим экдим, ишлов бердим ва йиғиштирдим. Шунданмикан, 1970 йили Москвага юбордилар. Ўн беш кун Москванинг тарихий жойларини томоша қилдик, саноат корхоналари, хўжаликларда учрашувлар ўтказдик. Қаранг-а, йигирма беш ёшли бир қишлоқ тракторчиси Москва кўчаларида кўкрак кериб юрса… Биз ўша давр иттифоқдош республикалардан 30 киши эдик, Тожикистондан фақат мен. Москвада биринчи мукофот - «Олтин бошоқ» медалини ВЛКСМ МКнинг биринчи котиби Тяжелниковнинг қўлидан олган эдим,- дейди фахрланиб Умрзоқ ака йўл-йўлакай ўтмиш саҳифаларини варақлар экан.

Шинамгина, ҳар қандай дабдабалардан холи ҳовлига кирамиз. Уй соҳиби меҳмонхонага чорлайди. Хона дид билан маънавият масканига айлантирилган. Бир бурчакда Умрзоқ Дониёровнинг ўша даврнинг машҳур инсонлари билан тушган суратлари албоми. Тепада Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон билан қўл ушлашиб турган катта сурат. Зафаробод тарихини ўз ичига олган қалингина китоб. Дарвоқе, истиқлолимизнинг чорак асрлик тўйи кунларида чўлқуварлар Зафарободнинг эллик йиллигини ҳурматли юртбошимиз иштирокида кўтаринки руҳда нишонладилар. Китобни варақлаган киши ноҳиянинг чўл ўрнида бунёд бўлган ярим асрлик тарихидан огоҳ бўлади. Шунингдек, мамлакатимиз олий раҳбарининг китоблари…Турли мукофотлар…



-Музейга ҳам тайёргарлик кўрибсиз-да, - дедим албомни варақлар эканман.

-Имкони борича-да, ука. Яна қанча китобларим бор. Биласизми, мен машҳур ёзувчи Пиримқул Қодировнинг ҳамқишлоғи бўламан. Бу инсон Шаҳристоннинг Кемкўл қишлоғида туғилиб вояга етган. Ҳаётликларида кўп учрашганман. Таъзиясида ҳам қатнашдим. Ўзбек-тожик азалдан эту тирноқ бўлиб келган. Ана шу дўстликнинг зилол туйғуларини икки халқ қалбига сингдириш ёзувчи-шоирлар вазифаси эмасми?.. Юринг, бир пиёла чой устида суҳбатлашамиз,- деди Умрзоқ ака қўшни хонага бошлар экан…

Суҳбатдошим тарихга назар ташлайди, болалик, ўсмирлигини кўз олдига келтиради, қувонч дамларини эслаганда, майин табассум қилади, дардли ташвишлардан бироз хомуш тортади.

…Умрзоқ Дониёров оиласи турмуш қийинчиликларини бартараф этиш мақсадида Баёвутга кўч-кўронларини кўтаришди. Умрзоқ ўша ерда еттинчи синфни битирди, қисқа муддатли механизаторлик курсида таҳсил олди. Олтмишинчи йилларнинг бошларида Тожик Мирзочўлини ўзлаштириш авж олган дамлар. Ўзбекистон Республикасининг Сирдарё вилоятига қарашли Баёвут ноҳиясининг Зафаробод билан ораси - бир қадамлик йўл. 19 яшар Умрзоқ Зафарободда тракторчилик қилаётган амакиси Муродали Холбоевдан хабар олгани бориб, у ерда завқ-шавқ билан ишлаётган чўлқуварларга қизиқиб қолди, бир лаҳза ўзини улар сафида тасаввур қилди.

-Шу ерда ишлай қол, Осинга айтиб қўяман,- деди Муродали.

Ҳақиқатан ҳам, янги ташкил этилган «Комсомоли Тожикистон» совхози гидротехниги Л.Осин келишган, келбатидан ғайрат-шижоат ёғилиб турган Умрзоққа синчковлик билан тикилар экан, «слесар бўласан», деди. Уч ой ўтгач, отасининг қистови туфайли Осин билан хайрлашишга тўғри келди.

-Ҳали кўрасан, бу макон гулга бурканади, Иттифоқнинг энг обод масканларидан бирига айланади. Кўплаб қаҳрамонлар чиқади. Отангга яхшилаб тушунтириб кўр, пушаймон бўлмайсан, келажагингни тасаввур қиляпман,- деди Осин меҳрибонлик билан.

Умрзоқ Баёвутга қайтди, лекин кўнгли Зафарободда қолди.

-Ота, модомики хоҳишимга қўймас экансиз… Тошкентга - институтга бораман,- деди Умрзоқ ва пойтахтга кетди. Қишлоқ хўжалиги институтига борди. Афсуски, бахти чопмади...

Ўғлининг дом-дараксиз кетганини кўрган Дониёр ота ахийри унинг дарагини топди ва оилага қайтарди.

-Ўғлим, мен сени тушундим, чамаси раъйингдан қайтмоқчи эмассан. Розиман, Зафарободга бор. Ишинг юришиб кетса, иншооллоҳ, ўзимиз ҳам эҳтимол кўчиб ўтсак, - дея дуога қўл очди ота.

Умрзоқ Зафарободга қайтганини йилу санасигача яхши эслайди: 1965 йил 26 феврал. Шунай қилиб, Умрзоқ пахтакорлар сафига қўшилди, механизатор бўлди, ер билан тиллашди, шудгор қилди, экди, ишлов берди ва йиғди. Комсомол ёшлар бригадасига раҳбар бўлди.

-Москвадан қайтгач, тўрт қаторли терим машинаси ажратишди ва иш унуми янада ошди. Натижада, 1971 йил якуни бўйича Меҳнат Қизил байроқ орденига лойиқ кўрдилар,- дейди Умрзоқ ака совуб қолган чойдан ҳўплар экан.

У. Дониёровнинг ҳурмат-иззати ошиб бораверди, чўлқуварлар сафида ҳалол, софдилона меҳнати билан ўз ўрнини топди. 1973 йили ўз «темир тулпори» билан 220 тонна пахта териб хирмонга тўккани учун «Ленин» ордени билан тақдирланди. Бу орденга биринчи бўлиб Жалол Боймирзоев мушарраф бўлган эди. Умрзоқ эса, иккинчи киши. Орадан уч йил ўтди-ю кўксини иккинчи «Ленин» ордени безади. Кейин Тожикистон ССР Олий Советига депутат этиб сайланди. «Тожикистонда хизмат кўрсатган механизатор» унвонини Душанбеда катта бир тантанада топширишди. Яна қанча медал ва кўкрак нишонлари… Бу орада сиртдан Тожикистон қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг агрономлик факултетини тугатди. 55 ёшида нафақага чиқди ва бир муддат ноҳия уруғчилик идорасида ишлади. Бугунда у - «Ойкўл» деҳқон хўжалиги раиси. Деҳқон хўжалиги 2006 йили 33 гектар ерда ташкил этилди. «Комсомоли Тожикистон» совхози тарқатилгач, «Ойкўл» хўжалиги зиммасига салкам 30 минг сомоний қарз тушди. Ишнинг кўзини билган, кўп йиллар тажриба орттирган Умрзоқ ака бундан чўчимади. Фарзандлари ва шу ерга ҳиссадор бўлган ишчилар бошини қовуштирди. Бир йилдаёқ қарз узилиб, анчагина даромад ҳам олишди.



-Зафарободнинг тўйи, қолаверса, юртбошимизнинг қутлуғ қадамиданми, ишимиз ўнгидан келди. «Хўжанд-67» чигит нави экилган 47 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37,8 центнердан ҳосил олдик. Бу натижа Зафаробод шароитида энг юқори десам, ишонаверинг. 8 гектар буғдойдан гектар бошига 34 центнердан сара дон олдик. Барча аъзоларга 1,5-2 тоннагача ғалла тарқатдик,- дейди Умрзоқ ака.

Ҳақиқатан ҳам, қўли очиқ, саховатли инсон меҳнату меҳнаткаш қадрига етади, рағбатлантиради. Масалан, пахта режаси бажарилган куни 10 нафар аъзоларига биттадан қимматбаҳо гилам совға қилди. Бу йилги режалар ҳам бир олам. Пахта парвариши авжида. Шунингдек, 5 гектар майдондаги «Краснодар» навли ғалла, аллақачон ўриб олинган. Икки гектар майдонда силос ва дон учун маккажўхори, саккиз гектарда беда бор. Яна боғу тутзор… 20 киши бирлашган хўжалик ихтиёрида дала иши ривожи учун турли тамғадаги бешта техника мавжуд. Сувчи Илҳом Эшонқулов, механизаторлар Нўъмонжон Жалилов, шунингдек, Нодиржон, Одилжон ва Фируҳжон Дониёровлар ҳали кун ёришмасданоқ далада.

…Умрзоқ ака Дониёровнинг ҳаёт саҳифаларига назар ташлаб, унинг ғайрати, одамийлиги, бағрикенглигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Замонга шукроналик билан умргузаронлик қилаётган бу инсон меҳнатдагина эмас, балки оилада ҳам ибратли ота ва бобо. Умр йўлдоши Озода Иброҳимова уй бекаси бўлса-да, ўқимишли, дунёқараши кенг, оқила аёл. Беш фарзанддан тўрт нафари олий маълумотли. Масалан, зоотехниклик ихтисосини эгаллаган Акбаржон яқин орада кичикроқ бўлса-да, чорвачилик фермаси ташкил этишни мўлжалламоқда. Бунинг учун ҳозирданоқ замин бор. Холмирзо деҳқон хўжалигида бригадир, «кирди-чиқди»лар унинг зиммасида. 19 неварадан бири Муниса Президент квотаси билан Бобожон Ғафуров номли Хўжанд Давлат олийгоҳининг математика факултети иккинчи курсида таҳсил олаяпти. Олти нафар жажжи эвара Дониёровлар сулоласининг давомчилари.

-Отам 88 ёшда оламдан ўтдилар. Умрларининг сўнгги дақиқаларигача қўллари дуода эди. Шунданмикан, ёмон яшамадик. Борига ҳам, йўғига ҳам, оғиру енгилига ҳам шукр қилдик. Мана, кўриб турибсиз, деҳқон учун барча имконият бор. Фақат меҳнат қилиш керак, холос. Ҳаммасига шукр, давлатимизнинг раҳбарига раҳмат. Ватан тинч, осуда, халқ хотиржам. Илоҳо, ана шу тинчлигу тўкинликка кўз тегмасин,- дейди машҳур чўлқувар Умрзоқ ота Дониёров дастурхонга фотиҳа қилар экан.

*Эгамназар СОҲИБНАЗАРОВ,*
*Зафаробод ноҳияси.*

---

## 2017 йил - Ёшлар йили

# НУРЛИ ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Халқимизда: - Абадиятга номингни битмоқчи бўлсанг, комил фарзанд тарбияла, - деган ҳикматли ибора бор. Азал-азалдан фарзандни баркамол инсон қилиб тарбиялаш инсониятнинг нурли орзуси бўлиб келган.

Ўтган асрда Куркат қишлоғида яшаб, бу масканнинг обод бўлишига салмоқли ҳисса қўшган раҳматли Маъруф ака Абдувоҳидов ўғли Темиралига ёшлигидан она-юртга садоқат билан хизмат этишни ва ҳалол меҳнат қилишни касб этишини мудом таъкидлар эди.

Инсон умрида рўй берадиган хайрли ишларга кимлардир сабабчи бўлар экан. Сўнгра ўша яхшилик кўрган одам уни бир умр алқаб юрар экан. Падари бузрукворларининг ўгитлари-ю насиҳатларини ўзига сабоқ қилиб олган Темирали Марипов ёшлигидан қишлоқ хўжалик ишларига шўнғиб кетиб, тажрибали деҳқонлардан, хусусан, падари бузрукворидан экиш-тикиш ишларини ўзлаштириб олишга интилди. Деҳқончиликни чуқур ўрганиб, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш унинг мурғаккина қалбида эзгу орзу бўлиб шаклланди.

Навқирон Темиралининг пок орзулари уни 1963 йили ўрта мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмасдан кўплаб ёшлар қаторида Тожикистон



Аграр университети (собиқ Тожикистон қишлоқ хўжалик институти)нинг агрономлик факултетига етаклади ва қабул имтиҳонларидан муваффақиятли ўтгандан кейин, олийгоҳ студенти, деган шарафли номга сазовор бўлди. Бу муқаддас даргоҳда курсдош ёру дўстлари билан беш йил давомида устозлари, қишлоқ хўжалик илмининг таниқли олимларидан деҳқончилик илмининг сирларини, экинлардан юқори ҳосил ундириш йўлларини синчиклаб ўрганди.

Олийгоҳда қишлоқ хўжалиги учун етук ва баркамол кадр бўлиб етилиб, Зафаробод ноҳиясидаги сув хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган ўрта махсус билим юртида олий маълумотли мутахассис сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Орадан кўп вақт ўтмай, Темиралининг ғайрат-шижоати ва ташкилотчилиги инобатга олиниб, 1968 май ойидан бошлаб Нов (ҳозирги Спитамен) ноҳиясидаги «Гулистон» жамоа хўжалигига бош агроном этиб тайинланди ва бу ерда беш йил фаолият юритиб, жамоанинг ютуқларига салмоқли ҳисса қўшди.

Темирали бу хўжаликда ишлаган даврда қишлоқ хўжалик соҳасининг етук мутахассиси сифатида, раҳбарлик қобилияти ва маҳорати билан эл орасида обрў топди. Унинг бу сифатларини эътиборга олиб, вилоят ва ноҳия раҳбарлари 1973 йили уни янада юксак ва масъул иш – ноҳиядаги катта хўжаликларидан бири ҳисобланган Сатторов номли жамоа хўжалигига раҳбар бўлишни тавсия этдилар. Бу масъулиятли вазифада 12 йил фаолият юритиб, иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган хўжаликни қисқа муддатда илғорлар қаторига қўшиш, пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида яхши ютуқларга эришиш учун қатор чора-тадбирларни амалга ошира олди. Албатта, кўзланган мақсадга эришиш учун йилнинг барча фаслларида далаларни кезиш, ҳар бир қитъанинг тупроқ хусусиятларини билиш, унда экилган экинларнинг ҳолатига қараб озиқлантириш ҳамда суғориш сирларини ўрганиш ва энг асосийси, хўжаликнинг деҳқонлари, мутахассислари ҳамда чорвадорлари билан тил топиша олиш тақозо этиларди.

Темирали ёш раҳбар бўлишига қарамай, барча ишларнинг уддасидан чиқар, хўжаликнинг обод бўлиши ҳамда халқ турмушининг фаровонлигини таъминлашда ўз куч-ғайратини сафарбар этарди. Пировардида хўжалик яхши ютуқларга эришиб, меҳнаткаш халқнинг турмуши анча яхшиланди ва бу баракали ишда раис Темирали салмоқли ҳисса қўшади.

1986-1994 йилларда Темирали Марипов «Гулистон» хўжалиги ва Куркат пахта тозалаш корхонасида соҳа агрономи ва корхона раҳбари сифатида иш юритиб, республикамиз мустақилликка эришган йилларининг илк даврларида дуч келган қийинчиликларга қарамасдан, бу ташкилотларнинг самарали фаолиятини таъминлашда фидойилик кўрсатди.

Мамлакатимиз истиқлолиятга эришгач, соҳибкорлик ҳаракати авж олган даврда ташкилотчилик қобилияти соҳиби ва деҳқончилик сирларини яхши билган Темирали «Жавоҳир-15» деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этди. Айни пайтда бу хўжаликнинг меҳнаткашлари республикамиздаги минглаб деҳқон хўжаликлари қаторида жонажон Ватанимизнинг мавқеини юксакларга кўтарган Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон бошчилигида амалга оширилаётган Ҳукуматнинг озиқовқат хавфсизлиги дастурини бажариш мақсадида қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли маҳсулот етиштиришни мақсад қилиб меҳнат қилмоқдалар.

Етмиш ёшни қаршилаш арафасида турган Темирали Марипов ердан самарали фойдаланиш тажрибаси ва қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш йўлларини ёшларга ўргатиб, уларни ҳалол меҳнат қилишга чорлаб келмоқда. Кексалик гаштини сураётган фахрий замондошимиз беш фарзанднинг отаси, ўн беш невара ва икки чеваранинг севимли бобосидир.

Мустақил Тожикистонимизнинг тараққиётида ҳалол меҳнати билан улуш қўшиб келаётган Темирали Марипов каби юртдошларимизнинг ўгитлари ёшларимизни тўғри йўлга бошлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганлиги табиий. Жорий йил давлатимиз сарвари ташаббуси билан Ёшлар йили, деб эълон қилинди.

- Ёшлар – келажагимиз бунёдкорлари, - дейди қишлоқ хўжалиги соҳаси фахрийси Темирали Марипов. – Уларни Ватанни севиш руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Темирали Марипов каби ватандошларимизнинг ҳаёт йўллари ёшларимизга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши табиий.

*Холмуҳаммад ХОЛБОЕВ,*
*Спитамен ноҳияси.*

---

# СМС

## СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ

Тел: 918-61-99-71

### ===== Мамлакатимизда =====

*--------- Шаҳмат ---------*

### "ЖАҲОН КУБОГИ"ДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ

Тожикистонлик шаҳматчи Муҳаммад Ҳусенхўжаев жорий йилнинг 2-28 сентябр кунлари Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган "Жаҳон кубоги" турнирида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмани қўлга киритди.

"Дона сурувчи" Муҳаммад Ҳусенхўжаев Марказий Осиё давлатлари иштирокидаги минтақавий чемпионат мусобақаларида иштирок этиб, тўққиз имкониятдан 6,5 очко жамғарди ва иккинчи ўринни ишғол қилди.

"Жаҳон кубоги" беллашувларида сўнгги бор - бундан 9 йил муқаддам халқаро тоифадаги гроссмейстер Фаррух Аминатов қатнашган эди.

*--------- Енгил атлетика ---------*

### ЯНГИ МИЛЛИЙ РЕКОРД ЎРНАТИЛДИ

Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Гусман Касанов хотирасига бағишланган XXVII халқаро турнир бўлиб ўтди.

Мазкур мемуар турнирда иштирок этган тожик енгил атлетикачилари қайд этишга арзигулик натижалар кўрсатдилар.

Даврон Отабоев 400 метр масофани 47,60 секундда босиб ўтди ва янги Тожикистон миллий рекордини ўрнатишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, Одилшоҳ Исматов ва Кристина Пронженко (400 метрга югуриш), Меҳрангиз Назарова (5000 метрга югуриш)лар мусобақаларнинг бронза медаллари билан тақдирландилар.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин майдон эгалари- Қозоғистон вакилларига насиб этди.

Фахрли иккинчи ва учинчи ўринларни Ҳиндистон ва Эрон Ислом Республикалари намояндалари ўзаро тақсимлаб олишди.

*--------- Футбол ---------*

### "ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА" ҲОЗИРЛИК ЖАРАЁНИ

Тожикистон ёшлар (U-23) терма жамоаси келгуси йилнинг 9-27 январ кунлари Хитойда ўтказиладиган "Осиё чемпионати- 2018" турнирига тайёргарлик ўқув-машғулотларини бошлаб юборди.

Душанбеда ўтаётган ҳозирлик жараёнига ёшлар термаси бош мураббийси Ҳаким Фузайлов 25 нафар, яъни 3 нафар дарвозабон, 9 нафар ҳимоячи, 10 нафар ярим ҳимоячи ва 3 нафар ҳужумчини чорлаган.

Қитъа биринчилигига тайёргарлик доирасида ёш футболчиларимиз 10 июл куни Дубай шаҳрида Бирлашган Араб Амирликлари ёшларига қарши назорат учрашувида майдонга тушадилар.

Фаластинда 19-23 июл кунлари ўтадиган турнир саралаш босқичининг "Е" гуруҳида тожикистонликлар Фаластин, Бангладеш, Иордания ёшлари билан ўзаро куч синашадилар.

Ўнта гуруҳдан ғолиб чиққан ва бешта энг яхши натижа билан иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар финал босқичига йўлланма олади.

### ОЛИЙ ЛИГА АЪЗОЛАРИ ТАНАФФУСДА

Юқори дивизион чемпионатининг икки даври, яъни 13 тур ўйинлари ортда қолди. Биринчилик иштирокчилари эса, 29 июлга қадар танаффусга чиқишди.

Сўнгги 13-турда пойтахт дербисида ЦСКА "Памир" жамоасига қарши тўп сурган "Истиқлол" жамоаси йирик- 4:1 ҳисобида устунликка эришди ва турнир жадвалидаги мавқеини янада мустаҳкамлаб олди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайдга олинди: "Вахш"- "Хўжанд"- 1: 4, "Ҳосилот"- "Панжшер"- 3: 2, "Регар-ТадАЗ"- "Баркчи"- 1: 2.

Икки даврада 13 имкониятдан 33 очко тўплаган "Истиқлол" жамоаси турнир жадвалида пешқадамлик қилмоқда. 21тадан очкога эгалик қилган "Хўжанд" ва ЦСКА "Памир" жамоалари кучли учликдан жой олган.

Тўпурарлар беллашувида эса, "Истиқлол" клуби ҳужумчиси Манучеҳр Жалилов 13та гол билан "мерганлар" рўйхатини бошқариб бормоқда.

### ======= Жаҳонда =======

*--------- Бокс ---------*

### "РУС БАҲОДИРИ" РИНГГА ҚАЙТДИ

Ўта оғир вазнли спортчилар орасида касбий бокснинг WBA (Бутунжаҳон боксчилар ассоциацияси) йўналиши бўйича собиқ "мунтазам" жаҳон чемпиони, россиялик Александр Поветкин маълум муддатдан сўнг яна рингга қайтди.

Илгари боксчи қонида тақиқланган перепарат- мелдония унсурлари топилгани учун мусобақалардан четлаштирилган эди.

Александр Поветкин рингга қайтган дастлабки жангдаёқ Москва шаҳрида ўтказилган бокс кечасида WBA (Бутунжаҳон боксчилар ассоциацияси) ва WBO (Бутунжаҳон боксчилар ташкилоти) йўналишлари бўйича украиналик Андрей Руденко билан қитъалараро чемпионлик камари учун муштлашди.

Россиялик "чарм қўлқоп" устаси назорати остида 12 раунд давом этган жанг якунида ҳакамлар очколар фарқи билан Александр Поветкинни ғолиб деб топишди.

*--------- Футбол ---------*

### "КОНФЕДЕРАЦИЯЛАР КУБОГИ" ЯКУН ТОПДИ

Россия Федерациясининг Москва, Санкт-Петербург, Қозон ва Сочи шаҳарларида старт олган "Конфедерациялар кубоги-2017" турнири ўз маррасига етди.

Санкт- Петербург шаҳрида ўтган ҳал қилувчи финал босқичида Чили ва Германия терма жамоалари бош соврин учун ўзаро ҳисоб-китоб қилди. Чилиликларнинг жуда катта устунлигини "синдириб", улар дарвозасига ягона гол йўллай олган немис футболчилари мусобақа ғолиби бўлишди.



Нуфузли мусобақанинг учинчи ўрни, яъни бронза медали учун Португалия ҳамда Мексика терма жамоалари кураш олиб борди. Учрашувнинг асосий вақтига қўшиб берилган дақиқаларгача 0: 1 ҳисобида имкониятни бой бериб келган португалияликлар 90+1 вақтида ҳисобни тенглаштирдилар. Ҳакам томонидан белгиланган қўшимча таймларда рақиб дарвозасини яна бир бор забт этиб, иродали ғалабани қўлга киритдилар.

*"Халқ овози"нинг спорт шарҳловчиси.*

## Европа

*Франция*

# "Бирдамлик меъмори" билан видолашув

Франциянинг Страсбург шаҳрида жойлашган Европарламент биносида 1 июл куни "Германиянинг бирлашуви отаси", Германиянинг собиқ канцлери Гелмут Кол билан видолашиш маросими бўлиб ўтди.

Кол 1930 йил 3 апрелда Людвигсхафенда дунёга келган.

1982 йил октябрда Кол амалдаги канцлер Гелмут Шмидтга ишончсизлик билдирилгандан кейин, Германия канцлери этиб сайланган. Бу юқори лавозимни 16 йил эгаллаб келган. Кол 2017 йилнинг 16 июнида 87 ёшида ҳаётдан кўз юмди.



Кол билан видолашишга Европа Иттифоқи давлатлари Президентлари ва Бош вазирлари, собиқ жаҳон етакчилари келишди.

*Британия*

# Террорчиликка қарши курашнинг янги усули

«Буюк Британия Ҳукумати автомобиллар иштирокидаги қатор террорчилик амалиётларидан сўнг, стратегик муҳим объектлар ва кўприклар атрофида рақамли ҳимоя майдонларини ўрнатиш имкониятини ўрганиб чиқмоқда", - деб ёзди "The Times" газетаси.

Нашр маълумотига кўра, Британия Транспорт вазирлиги муҳим объектлар атрофида электрон тўсиқлар яратишга имкон берувчи геоҳудудлардан фойдаланилган сунъий йўлдошлар тизимини ишлаб чиқишдан манфаатдор.

Ташкилот режаларига мувофиқ, террорчилар нишонига айланиши мумкин бўлган бинолар ва кўприкларга рухсатсиз яқинлашганда, автомобилларда ўрнатилган компютерлар уларни тўхтатади ёки секинлаштиради.

*Россия*

# Коррупциячилар ҳақидаги қонун

Россия Президенти Владимир Путин бир қатор федерал қонунларга коррупция учун ишончни йўқотгани сабабли, хизматдан бўшатилган амалдорлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари рўйхатини яратишни кўзда тутувчи тузатишлар киритишни тасдиқлади.



Бу рўйхатга ўз ишидан бўшатилган прокуратура, божхона, ўт ўчириш хизмати, Россия терговс қўмитаси, ички ишлар идоралари ходимлари, ҳарбийлар, давлат ва муниципал хизматчилари ва бошқалар киритилиши мумкин.

Қонун Россия давлат думаси томондан 7 июнда қабул қилинган ва 28 июнда Федерация кенгаши томондан маъқулланган. Янги тузатишлар 2018 йил 1 январдан кучга киради.

*Беларус*

# Тинч муҳитда яшаш истаги

Беларус Президенти Александр Лукашенконинг маълум қилишича, республика фуқароларига инқилоблар, демократия ва инсон ҳуқуқлардаги чайқовчилик керак эмас.

Лукашенконинг беларусларга Мустақиллик куни муносабати билан йўллаган табригида айтилишича: - "Сўнгги йилларда кўп нарсалар ўзгарди: мамлакат ҳам, унда яшовчи кишилар ҳам, бироқ ҳар биримизнинг эркин ва тинч давлатда яшаш истагимиз ўзгаришсиз қолди".

## Осиё

*Қатар*

# Рад этилган талаблар



- "Қатар Ҳукумати араб давлатлари томонидан амирлик билан муносабатларни тиклаш учун Доҳага қўйилган талаблар рўйхатини қабул қилишни рад этди, бироқ мулоқот қилишга тайёр. Бу ҳақда Қатар ташқи ишлар вазири Муҳаммад бин Абдулраҳмон Ол Соний маълум қилди", - деб хабар берди "Al Jazeera" телеканали.

- Биз талаблар рўйхатини рад этамиз ва тегишли шартлар билан мулоқот қилишга тайёрмиз. Қатар бошидан унинг суверенитетига путур етказувчи бирор ишга чидаб турмаслигини айтган. Биз қўрқмаймиз ва ултиматум муддати тугагандан кейин, исталган салбий оқибатларга қарши туришга тайёрмиз, - деб айтди Ол Соний.

Ол Соний талабларга изоҳ бериб, Доҳадаги "Al Jazeera" телеканали ёпилиши, Эрон билан муносабатлар даражасини пасайтириш ва Туркия билан ҳарбий ҳамкорликдан бош тортиш масаласи кўрилмаслигини таъкидлаб ўтди.

*Гонгконг*

# Янги раҳбар қасамёди

- "ХХР раиси Си Цзинпин Гонгконг янги раҳбари Кэрри Ламни қасамёд қилдирди", деб хабар берди CNN.

- Хитой миллий суверенитети, Хитой марказий Ҳукумати ва Гонконг ҳақидаги асосий қонунни таҳдидга қўйиш бўйича исталган ҳаракатлар, шунингдек, Гонконгни Хитой қитъа қисмини саботаж қилиш мақсадида қўллаш умуман қабул қилинмайди, - дея маълум қилди у маросимдан сўнг.

Шунингдек, ХХР раҳбарининг таъкидлашича, Гонконгда "бир давлат - икки тизим" принципи ҳеч қандай ўзгаришларсиз қўлланилишини кафолатлайди.

*Сурия*

# Ҳалаб тўла озод этилди

Сурия армияси Ҳалаб вилоятини ИШИД жангариларидан бутунлай тозалади. Бу ҳақда "RT" мухбири билан суҳбат чоғида Сурия Араб Республикаси Мудофаа вазирлигининг сиёсий бошқармаси раҳбари, генерал Самир Сулаймон маълум қилган.



- Сурия армияси Ҳалаб ҳудудини тўла озод қилди, - деди у. Унинг сўзларига кўра, айни вақтда вилоятда ИШИДга тегишли ҳудуд қолмаган.

Ҳарбий амалдорнинг қайд этишича, Ҳукумат кучлари Раққадан Ҳалабга олиб борувчи трассани эгаллагач, жангарилар ўзларининг вилоят ҳудудидаги охирги позицияларини ташлаб кетишган.

# Шаҳар гуманитар фалокат ёқасида

- "Суриянинг Дайр-аз-Зор шаҳри аҳолиси ИШИД террорчилик гуруҳи жангарилари томонидан Фиротни тўсиб қўйиш учун тўғон қурилиши туфайли ичимлик сувисиз қолиши мумкин", - деб хабар берди "Новости" ахборот агентлиги дипломатик манбага асосан.



- "Узоқ вақт давомида жангарилар томонидан қамал қилиниб турилган шаҳар аҳолиси янги хавфга дуч келиши мумкин. Террорчилар тўғон қурилишини якунлашгандан сўнг, шаҳарда тўлақонли гуманитар фалокат юз бериши эҳтимолга яқин. Кишилар сувсиз қолади", - деди дипломатик манба.

Шунингдек, унинг таъкидлашича, айни дамда жаҳон ҳамжамияти бу вазиятга ҳеч қандай муносабат билдираётгани йўқ.

## Қўшни давлатларда

*Туркманистон*

# Давлат бошлиғининг таклифи

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов Ашхободда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов билан учрашиб, Ўзбекистонни яна бир марта Туркманистон-Афғонистон-Покистон-Ҳиндистон (ТАПҲ) лойиҳасига қўшилишга таклиф этди. Бу ҳақда "Туркмандавлатхабарлари" ахборот агентлиги хабар берди.

Йиллик газ ўтказиш кўрсаткичи 33 миллиард метр куб бўлган ТАПҲ газ қувури Туркманистоннинг жанубидаги Қалқиниш конидан Ҳиндистоннинг Фозилка шаҳригача боради ва умумий узунлиги 1814 километрдан иборат бўлади.

*Ўзбекистон*

# Озодбек Назарбеков - телеканал раҳбари

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойи бўлиб ўтди.



Қурултойда чиқиш қилган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев "Камолот" ЁИҲ тугатилганини, унинг ўрнида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи давлат ташкилоти тузилгани ҳақида маълум қилди.

Президент "Ёшлар" телеканалини ёшлар ҳаётини ёритишда сусткашлиги учун танқид қилди. У Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековни ўзининг медиа соҳаси бўйича вакили ҳамда телеканал раҳбари этиб тайинлади.

*Қирғизистон*

# Мухолифатчи Президент бўлмоқчи

"Республика Ота-юрт" партияси қурултойи парламентдаги мухолифат етакчиси, Қирғизистон собиқ Бош вазири Омурбек Бабанов номзодини мамлакат президентлиги учун илгари сурди. Бу ҳақда "Новости" РИА хабар тарқатди.

Қирғизистонда президентлик сайловлари 15 октябр куни бўлиб ўтади. Амалдаги Президент Алмазбек Атамбоев ўз лавозимини тарк этмоқда. Бугунги кунда Қирғизистон МСКга сайлов пойгасида иштирок этиш борасида 11 киши мурожаат қилган.

"Республика Ота-юрт" партияси етакчиси, 47 ёшли Бабанов - республикадаги энг бадавлат шахсларнинг топ-100лигига кирувчи тадбиркор.

*Қозоғистон*

# "Остона Экспо-2017" кўргазмаси ҳайратлари

Остона шаҳрида бўлиб ўтаётган "Expo 2017" бутунжаҳон кўргазмасида 120дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар иштирок этмоқда. Бу йилги халқаро кўргазма келажак энергияларига бағишланган. Кўргазма 10 сентябрга қадар давом этади.



47 минг 160 квадрат метр ҳудудни эгаллаган кўргазмада ҳар бир давлатнинг павилонини айланиб чиқишга бир кун етмайди. Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Россия, Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Қатар, Япония, Франция, Грузия, Миср павилонлари гавжум. Жанубий Корея, Хитой, Британия, АҚШ, БАА, Германия давлатлари павилонларидаги катта навбат унга киришни қийинлаштиради.

## Қисқа сатрларда

Буюк Британия махсус кучларининг "SAS" бўлими ўз ходимларининг 2010 йилдан 2013 йилгача Афғонистонда қуролсиз одамларни ўлдирганини яширган. Бу ҳақда ҳарбий полициядаги манбалардан иқтибос келтирган ҳолда "The Times" нашри хабар берди.

***

Аргентинанинг йирик шаҳарларидан бири Росариодаги ҳашаматли меҳмонхоналардан бирида жаҳон футболи юлдузи, "Барселона" ҳужумчиси, 30 ёшли Лионел Мессининг 29 ёшли Антонелла Роккуццо билан никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Росарио Лионел ва Антонелланинг она шаҳри ҳисобланади. Улар ёшликларидан бир-бирлари билан таниш ва маълумотларга қараганда, улар орасидаги ҳис-туйғулар болаликларидаёқ бошланган.



***

- "Ҳиндистонда мамлакатнинг мустамлака давридан кейинги энг йирик солиқ ислоҳоти расман кучга кирди. У товар ва хизматларга ягона солиқ киритишни назарда тутади", - деб хабар қилинади мамлакат Бош вазири Нарендра Моди сайтида.

***

- "АҚШ Президенти Доналд Трамп шу йил Жанубий Кореяга бориш таклифини мамнуният билан қабул қилганини изҳор этди", - деди Жанубий Корея етакчиси Мун Чжэ Ин.

***

- "Россия федерал тиббиёт ва биология агентлигининг оториноларингология илмий-клиник маркази олимлари ва тиббиётчилари Россия тарихида илк марта туғма тўлиқ кўр инсоннинг кўзига кибернетик тўрпардани кўчириб ўтказиш борасидаги жарроҳлик амалиётини ўтказишди. Бу энди беморга бир ойдан кейин ёруғ дунёни кўриш имкониятини беради",- деб хабар тарқатди "Новости" РИА агентлиги.

***

КХДРнинг хатти-ҳаракатлари қатъий жавобни талаб қилади, ўз ўрнида, АҚШнинг ҳам Пхенянга нисбатан сабри тугаб бормоқда. Америка Президенти Доналд Трамп Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин билан ўтган учрашувда шундай фикр билдирди. "Reuters" шу ҳақда хабар берди.

***

"Ягона Озарбайжон халқ фронти" мухолифат партияси депутати Гудрат Гасангулиев қонун доирасида хушомадгўйликни тақиқлашни таклиф қилди. "Vesti.Az" шу ҳақда хабар берди.

***

Россия Президенти Владимир Путин АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа давлатларга нисбатан жорий қилинган махсус хавфсизлик чоралари муддатини узайтирди. Бу ҳақда "Лента.ру" нашри хабар берди.

***

- "Эронда ўтган ҳафта пайшанба куни мутлақ ҳаво рекорди қайд этилди, ҳарорат Целсий бўйича 53,7 даражага етди. Бу мамлакат учун янги рекорд ва жаҳондаги энг юқори ҳароратдан бирига айланди",- деб ёзди "Daily Mail".



## Европа

# Энг арзон уй-жойлар

Европадаги турар жой учун энг арзон нархлар Грецияда қайд этилган. Бу ҳақда "Ekathimerini" нашри "RE/MAX Europe" кўчмас мулк бўйича агентлик тадқиқотига асосан хабар берди.

Таъкидланишича, мамлакатда бир йил аввал майдони 100 квадрат метр бўлган хонадонни ўртача 92 минг еврога, хусусий уйни эса, 67 мингга сотиб олиш мумкин эди. 2015 йилдан бошлаб йирик шаҳарларда бир квадрат метр нархи 20 еврога тушиб кетди, бироқ вилоятларда айнан шунча миқдорга ошган. Агентлик мутахассисларининг фикрича, бу курортлардаги кўчмас мулкка қизиқиш ортиб бораётганидан далолат.

Кўчмас мулк нуқтаи назаридан энг қиммат давлатга Люксембург айланди. У ерда 100 метрлик хонадон 797 минг евро туради. Иккинчи ўринда - Швейцария (754 минг евро) жойлашган.

## Сирли олам

# НИМА? ҚАЕРДА? ҚАЧОН?

## Тадқиқот

# Машина ҳайдашда энг хавфли пойабзал

"Ford" компанияси қандай пойабзал ҳайдовчилар учун хавфсизроқ эканини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказди.

Тадқиқотга кўра, фақатгина Буюк Британиянинг ўзида машина ҳайдаш учун пойабзалнинг нотўғри танланиши ҳар йили 1,4 миллионта йўл-транспорт ва хавфли ҳодисаларга олиб келар экан. Бу ҳақда "Ford" тадқиқотидан иқтибос келтирган ҳолда "Motor" нашри хабар берди.

Мутахассисларнинг фикрича, машина ҳайдашда энг хавфли пойабзал шиппаклар ҳисобланаркан. Бу пойабзал тури оёқдан чиқиб кетиб, педал остига тушиши мумкин экан. Баъзи давлатларда шиппакларда машина ҳайдаш, ҳатто, қонунан тақиқланган: мисол учун, Испанияда бунинг учун 200 евро, Францияда эса, 90 евро жарима солиниши мумкин.

Маълумотларга кўра, оёқда бемалол ўтирувчи пойабзал тормозлаш вақтини ўртача 0,13 сонияга оширар экан. Бу эса, 95 километр/соат тезликда тормоз йўлининг 3,5 метрга ошишига етар экан. Шунингдек, шиппакларда газ тепкисидан тормоз тепкисига оёқни олиш оддий пойабзалга нисбатан икки марта кўпроқ вақтни, яъни деярли 0,04 сонияни олар экан.

## Ҳодиса

# Ўсмирнинг жасорати

АҚШнинг Аляскасида ўрмон бўйлаб сайр вақтида 11 ёшли Эллиот Кларк катта ёшли қариндошларини айиқ ҳамласидан қутқариб қолди.

"Associated Press" ахборот агентлигининг штат полициясидан иқтибос келтирган ҳолда маълум қилишича, болакай ўрмонда отаси, амакиси ва амакасининг ўғли билан бирга кетаётганда, улар томон айиқ югуриб чиқиб, унинг амакисига ҳамла қилиб қолган.



Болакай ўзини йўқотиб қўймай, тезкорлик билан ҳаракат қилиб, айиқни нишонга олган. У қўлидаги милтиқдан айиққа қарата бир нечта ўқ узган: у аввал нишондан адашган, бироқ кейин айиқ елкаси ва бурнини мўлжаллай олган.

Отасининг айтишича, ўғли милтиқни елкасида эмас, қўлида олиб кетаётгани уларни қутқариб қолган. Чунки боланинг амакисида ҳам милтиқ бўлган, бироқ у милтиқни елкасида олиб юрган ва оқибатда ўзини ҳимоялаш учун елкасидан олишга улгуролмай қолган.

## Технология

# Товушдан тез учар авиация

Американинг космик агентлиги товушдан тез учар фуқаролик авиацияси лойиҳаларига қайтмоқда. Яқин келажакда мутахассислар "X-plane"нини яратишга киришишади. Уни яратиш жараёнида "Concorde" ва "Ту-144" самолётларининг, шунингдек, "QueSST"нинг сўнгги модели муваффақиятлари ва нуқсонлари ҳисобга олинади.

Эслатиб ўтамиз, "QueSST" дастури доирасида мутахассислар товуш зарбаси муаммосини ҳал қилишга муваффақ бўлишди - у кемага товуш тўсиғидан ўтишга ва етарли тезликка эришишга халақит берарди. Бу иш учун АҚШ Ҳукумати томонидан 2016 йилда 20 миллион доллар ажратилган эди ва техника аэродинамик қувурда учиш синовларидан ўтказилган.



"Lockheed Martin" ва NASA қўшма жамоасининг янги режаларига кўра, ҳаво кемаси такомиллаштирилиб, у йўловчи ташишга мослаштирилади. Натижада, техника аҳоли пунктлари устидан хавфсиз парвоз қилиб, аҳоли учун шовқин ва бошқа жиҳатлари билан ноқулайликлар туғдирмайди.

## АҚШ

# Оқ уй ходимлари маоши

АҚШ Президенти Доналд Трамп маъмурияти Оқ уй ходимларининг маошлари ҳақидаги маълумотларни АҚШ конгрессига тақдим қилди.

Маълум қилинишича, ушбу ҳужжат Оқ уй сайтида жойлаштирилди ва 16 саҳифадан иборат. Ҳужжатда Оқ уй ходимларидан энг кам маошни Миллий иқтисодий кенгаш директори ва Трампнинг иқтисодий сиёсат бўйича катта маслаҳатчиси Гэри Кон олиши кўрсатилган. Унинг маоши йилига бор-йўғи 30 минг долларни ташкил қилар экан.

Энг катта маошни эса, Трампнинг сиёсат бўйича катта маслаҳатчиси Марк Хаус олар экан, унинг маоши йилига 187 минг долларни ташкил қилади. Шунингдек, Оқ уй матбуот котиби Шон Спайсернинг маоши ҳам энг катталаридан бири бўлиб, у йилига 179,7 минг доллар олади. Спайсернинг ёрдамчиси Сара Сандерс йилига 165 минг долларлик маош олади.



Таъкидлаш жоизки, Трампнинг маслаҳатчилари ҳисобланадиган унинг қизи Иванка Трамп ва куёви Жаред Кушнер ҳужжатга кўра, умуман, маош олмайдилар. Трампнинг ўзи эса, Президент этиб сайлангандан кейин, ўзига белгиланган 400 минг долларлик маошдан воз кечган ва у йилига 1 доллар миқдоридаги рамзий маош олади.

- Қонунга кўра мен барибир йилига бир доллардан кам бўлмаган маош олишим керак, шунинг учун маошим бир доллар бўла қолсин, - деб айтган Трамп.

# Фил марафончини таъқиб қилди

Зимбабведаги Виктория шаршараси марафони иштирокчисини ёввойи фил таъқиб қилди. Бу ҳақда "UPI" хабар тарқатди.

Ҳайвон марафончилар чопиб кетаётган йўлга чиқиб, наъра тортган ва спортчиларнинг бирига қараб ҳаракатланган. Қўрқиб кетган эркак тезроқ югуришни бошлади, кейин эса, йиқилиб тушди. Филда унга қизиқиш шу заҳотиёқ сўнди, у ортига қайрилиб, йўлнинг қарама-қарши томонидаги бутазорга кириб кетди. Спортчи эса, вақтни йўқотмай, ўрнидан турган ва югуришда давом этган.

Жорий йилда Виктория шаршараси марафони 10-марта ўтказилди. Унда жаҳоннинг турли давлатларидан келган тахминан 2,5 минг спортчи қатнашди.

## Ноёб топилма

# Пайғамбар кемасининг қолдиғи

Туркиялик ва хитойлик олимлар гуруҳи Нуҳ алайҳиссалом кемасининг қолдиғини топишга муваффақ бўлдилар. Бу ҳақда "muslim.uz" хабар берди.

- "Олимларнинг хабар беришича, хароба Туркияда, Арарат тоғида қалин вулқон қоялар ва қор қатламлари остида қолган. Тадқиқотчилар у ердан қурилиш материали сифатида фойдаланилган ёғоч бўлакларини топишди", - деб хабар берди "Daily Express".



Кема парчалари денгиз сатҳидан 400 метр баландликда топилган. Углерод ташхиси топилма 4800 ёш атрофида эканини кўрсатди.

- Бу Нуҳ алайҳиссалом кемасининг қолдиғи, деб юз фоиз ишонч билан гапиришга ҳали эрта. Аммо 99.9 фоиз ишонч билан айтиш мумкинки, бу ўша кеманинг айнан ўзи, - дейди тадқиқотчилардан бири.

Бундан ташқари, тадқиқотчилар шу жойнинг яқинидан 20 метр узунликдаги зинапоя ҳамда эшик тузилишига ўхшаган ёғоч-тахта бўлакларини ҳам топишди. Бироқ уларни ердан олишга ҳали эришилгани йўқ.

*ОАВ асосида И. Маҳмадалиев тайёрлади.*

# ЭЙ ЎЛМАС, НОЛИМА, ЭЛГА ҚОЛУР СЕНДАН ҒАЗАЛ МЕРОС...







Ўтар умрим, ҳаётимни
Ўзича пурсамар англаб
Ва нозимлик азобини
Қиёси йўқ ҳунар англаб.

Жавоҳир сўз топиб айтиш
Мудом олий мурод эрди,
Сочиб қўйганларим билмай
Қолибман тош гуҳар англаб.

Кўнгиллар оламин обод
Этиб иқбол топай, дердим,
Адашдим зулмати ичра
Уни мулки қамар англаб.

Ширин турмушга оғулар
Қўшиб турди муҳит гоҳи,
Ютишдан ўзга ҳеч чорам
Йўқ эрди чун шакар англаб.

Умр сўнгида мағлубсан,
Дея ўртайди танҳолик,
Юрибман дўстларим сонсизлигин
Тенгсиз зафар англаб.

Эй Ўлмас, нолима, элга
Қолур сендан ғазал мерос,
Қувон, боқий ҳаёт сори
Уни қайтмас сафар англаб.

*10-11 январ, 2012 йил.*

***"Чор девон" соҳиби, дўстлик куйчиси, Худо раҳматли азиз устозимиз Ўлмас Жамол дунёи фонийни тарк этганларига ҳам бир ҳафтадан ошди. Кунлар ўтган сари у кишининг ўрни билинмоқда. Миллионлаб мухлислар қалбини ҳижрон ўртаётгани ҳам аниқ. Йироқлашган сайин тоғ каби юксала бораётган устоз соғинчи юракларимизда ин қуриб, дийдаларимизни намлаётгани ҳам бор гап. На чора? Яратганнинг бу тақдири олдида тадбиримиз йўқ...***

***Ушбу ҳижронли онларда устознинг кўпминг сонли мухлислари кўнглига таскин бўлсин учун турли вақтларда турли табақадаги инсонларнинг у киши ҳақида айтган фикру андишаларини чоп этмоқдамиз. Шояд, кўнгилларимизга оз бўлса-да, таскин бахш этса...***

*«Халқ овози» газетаси таҳрир ҳайъати.*

*Саййид Неъматуллоҳ ИБРОҲИМ, шоир*

## ТЎРТ ДЕВОН СОҲИБИ

Оқсоқол шоиримиз Ўлмас Жамолнинг Тожикистон ўзбек адабий муҳитидаги катта-кичик барча ижодкорлар учун устозлик ҳукми бор.

Мен Ўлмас аканинг шеърлари билан илк бор мактабда ўқиб юрган пайтларимда танишганман.

Кейинчалик бундан чорак аср муқаддам бир таҳририятда ва бир бўлимда "Совет Тожикистони" (ҳозирги "Халқ овози")да ишлаган пайтларимизда Ўлмас аканинг ижодиёти ва шахсияти билан янада яқиндан танишдим ва шубҳасиз, қадрдон ака-ука бўлиб кетдик.

Ўлмас ака адабий муҳитимизда ҳеч ким эришолмаган бир ютуққа эриша олган ижодкордир.

Яъни Ўлмас Жамол тўрт девон соҳиби бўлган шоирдир. "Сурур" девони шоирнинг 70-йиллиги арафасида Тошкентда нашр этилди.

Кейинчалик эса, "Масрур", "Манзур" девонлари чоп этилди. Ва ниҳоят, тўртинчи - "Маъмур" девони чоп юзини кўрди. Девон тузиш ҳазилакам гап эмас.

Унинг махсус талаблари бор. Мен Ўлмас аканинг барча девонлари билан танишиб чиқдим.

Ҳар тўрт девон ҳам вазн (аруз) ва жанрлар (ғазал, мухаммас, мусаддас, мустаҳзод, қитъа, рубоий, фард ва ҳ.) эътибори билан девон талабига тўлиқ жавоб беради.

Бу - жуда катта ютуқ.

*Аскар МАҲКАМ, шоир*

## ЭНГ ФАҚИР ВА ЭНГ ГЎЗАЛ ШОИР

***Устозим, Ўлмас ака, менинг назаримда дунёдаги энг фақир ва энг гўзал шоирсиз...***

***Ғам-ғуссага ғам-ғусса қорилган***
***Бир бўсага минг бўса қорилган.***

***Кўнглимни дедим қонини сўрдик***
***Ич-ичма анга бўза қорилган.***

***Тиллони хасис қизига бердик***
***Тупроққа фақат кўза қорилган.***

***Ер остида - уй остида уйдир***
***Мўъжизага мўъжиза қорилган.***

***"Бизлар Ў. Жамол пойида хокмиз"***
***Фирузага фируза қорилган.***

*Эшмуҳаммад ДОНОХОНОВ, ёзувчи*

## ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Устознинг ҳеч қачон мақтанганлигини ёки кибр ҳавога берилганликларини кўрмаганман.

Суҳбатдоши ким бўлишидан қатъий назар, ҳамиша бир хил: ўта самимий, хушмуомала.

Кузатиб ҳайратланаман, устозга нисбатан ҳавасим ортиб келган.

*Абдулло ЗУҲУР, шоир*

## САМИМИЙ ШЕЪРИЯТ

Тожикистондаги ўзбек адабиётини Ўлмас Жамол ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Зеро, у - жумҳуриятимизда ўлмас Шарқ классик шеъриятининг шоҳ жанри бўлган ғазалнавислик анъаналарини тўлақонли давом эттирган шоир;

Зеро, у - XX аср Тожикистондаги ўзбек шоирларининг кекса ва ўрта авлоди ўртасидаги кўприк, нисбатан ёшларига эса, устозлик вазифасини бажарган шоир;

Зеро, унинг ижоди - шеърий жанрлар қамрови жиҳатидан ҳам ранг-баранг, ғановатли шеърият;

Зеро, у - сермаҳсул ижодкор, эл-юрт ҳаётида зуҳур топадиган барча залворли, тарихий аҳамиятга молик воқеа-ҳодисаларга ўз вақтида муносабат билдирган шоир;

Зеро, у - софдил элнинг соддагина тилида самимий ашъор битган халқчил шоир.

Бу фикрларга Душанбе, Тошкент ва Москва нашриётларида босилган устознинг "Меҳр булоғи", "Қалбимга қулоқ солсам", "Уфқ чорлайди", "Қуёш васфи", "Яхшилик замони", "Қуёш фарзанди" (рус тилида), "Орзу юлдузи" ва "Ораста гул" шеърий тўпламлари, "Сурур", "Мансур", "Манзур", "Маъмур" девонлари далил бўлади.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида бошқа қардош жумҳуриятлар қатори Тожикистонда ҳам мустақилликка эришиш учун кураш авж олди. Жумҳуриятимиз ўз мустақиллигини қўлга киритди, аммо бемаъни митингбозлигу кераксиз оҳу воҳлар туғёни тинмади. Натижада йиллар давоми тинч-тотув яшаб келган ягона халқ гуруҳларга бўлинди. Фуқаролар уруши бошланиб кетди. Эл дастурхонидан барака, турмушидан сурур, ҳаётидан завқ-шавқ кўтарилди. Эртанги кунига ишонч қолмагач, одамлар бола-чақасини пинжига олиб, ўзга юртлар сари ҳижрат қилишга мажбур бўлдилар.

Лекин эл дардини ўз дарди, Ватан мусибатини ўз мусибати, деб билган шоир энг оғир лаҳзаларда ҳам Ватан билан, халқ билан бирга қолди.

Дарвоқе, унинг кетадиган жойи ҳам, кутадиган дўстлари ҳам бор эди, бошқа юртларда. Аммо бу ишни қилмади, қилолмади. Фарзандлик масъулияти бунга йўл қўймасди.

Фуқаролик урушининг ўтолови ичида қолган шоир ўз шеърлари билан кишиларни одамийликка, ақлу инсофга, ақл-идрокка чорлайверди:

**Одамийлик дарсин олмай,**
**бўлмагайсиз одамий,**
**Бошқа йўл тутганни кўп**
**кўрдик, бари овворалар.**

Ёки:

**Қадру қиммат, қадриятни**
**қайта тиклаш пайтидир,**
**Бас, етар энди яшашлик**
**бедиёнат, маст-аласт.**

"Сарҳисоб" тўплами жумҳуриятимиз учун энг оғир, энг машаққатли кечган кейинги ўн йилликнинг назмий солномасига менгзайди. Зеро, унда жамланган шеърларда "қайта қуриш"дан бошлаб фуқаролар уруши-ю, мажбурий қочоқларнинг оввора кезишлари, халқимиз тақдирига қайтадан нуру зиё олиб келган Тинчлик битими-ю ундан кейинги ватанни тиклаш ташаббуслари, героин балосига қарши кураш, бозорлардаги тийиқсиз нарх-наво каби барча мавзулар қамраб олинган.

Ўлмас Жамол шеърларини синчиклаб ўқиб чиққан киши бир нарсага амин бўлади: шеърларда нафратдан кўра, меҳр-муҳаббат, исёну талабдан кўра, шукрона ҳисси ғолиб. Бу муборак ва ҳамида ҳисларнинг сарчашмаси эса, шоирнинг мусаффо қалбидир.

Зотан, яхши адиб ва яхши инсон бўлиш бахти ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Адиблар бор, ижод намуналарини ўқиб, баҳри дилингиз очилади, аммо шахсиятига разм солсангиз, кўнглингиз тўлмайди.

Устоз Ўлмас Жамол шахсида тақдир мана шу икки нажиб фазилатни уйғунлаштирган эди. Шеърларидаги самимият - руҳиятидаги ҳалимлик, камсуқумлик, дилкашлик, хушчақчақлик, фидойилик, ҳалоллик, бир сўз билан айтганда, юксак одамийликнинг ҳосиласи бўлган.

### УСТОЗИМ ЎЛМАС ЖАМОЛга

**Шеърият мулки - бу сеҳрли маъво,**
**Унда муҳиблар кўп, топилар ғаним.**
**Муроса мулкида валлоҳки, дўстлар,**
**Ўлмас Жамол бўлолмас ҳеч ким.**
**Шоирлик - ўзини фидо айламоқ,**
**Юракда оғриқлар туймоқдир сим-сим.**
**Элнинг дардларини юракка яқин,**
**Ўлмас Жамолчалик ололмас ҳеч ким.**
**Шоирлар ўз элин бурро тиллари,**
**Уларга Худойим берсин-да тўзим.**
**Олтиндан-да қиммат эл дуосини,**
**Ўлмас Жамол каби ололмас ҳеч ким.**
**Устоз қисматига ҳавас-ла боқиб,**
**Сўнг бир ҳақиқатга иқрордир дилим.**
**Саксонни қоралаб ҳамон навқирон,**
**Ўлмас Жамол каби қололмас ҳеч ким.**

## "ЎЗБЕККА ТОЖИГУ ТОЖИККА ЎЗБЕК" ЭДИ

Тожикистонлик зуллисонайн шоир, устоз Ўлмас Жамол вафоти ҳақидаги хабарни эшитиб, қайғуга ботдим ва ҳақли равишда Навоийнинг издоши тўғрисида ўйлай бошладим...

Биринчидан, Ўлмас Жамол, шубҳасиз, асрлар давомида дўст бўлиб келган тожигу ўзбек халқлари ўртасидаги маънавий элчи эди...



*«Халқ овози» газетаси редакциясида. 2015 йил, 17 май*

Иккинчидан, у - Тожикистон ҳудудидаги ўзбек халқининг маданияти, тили ва адабиёти абадийлиги учун улкан хизматларни амалга оширган етакчилардан бири ...

Учинчидан, у асл патриот, ҳақиқий ватанпарвар эди. Тожикистонни қаттиқ севарди ва бу диёрнинг ободлигию осойишталиги учун қайғурарди. Фикримни исботлаш учун бир мисол келтираман. У ҳам бўлса, дўстим Зуҳриддин Умаров ҳамроҳлигида таниқли шоир билан унинг 80 йиллик юбилейи арафасида биринчи учрашувимиздан олган таассуротлардан. Ўлмас Жамол шундай деган эди:

- Тожикистон халқи бошига кўплаб кулфатлар ёғдирган фуқаролик урушининг шиддатли йилларида ўзбекистонлик дўстларим мени бир умрга у ерга кўчиб боришга таклиф қилишди. Менга:

- Эй, сен девона бўлибсан, ўз жонингни хатарга қўйяпсан, Ўлмас, кел, бу ерда сени ёрқин келажак кутмоқда... ва шунга ўхшаш гапларни айтишди. Лекин мен рад қилдим. Бир неча дўстларим ва яқинларим машина билан келиб, мени олиб кетишмоқчи ҳам бўлишди, лекин мен уларга қарата шундай дедим:

- Ҳаётимнинг ширин даврларини Тожикистонда ўтказдим ва тожик халқи билан бирга бўлдим. Мен шу ерда шоир бўлдим, танилдим, китобларим нашр этилди... Обрў-эътибор топдим. Энди бу халқ бошига оғир кунлар тушганда, уларни ташлаб кетишим керакми? Бу инсофданми? Бундай қилсам, нонкўрлик бўлмайдими?

-Эҳтимол, кетганингизда сиз учун яхши бўлармиди, унвонлар олардингиз, Халқ шоири бўлардингиз... - дея синчковлик билан сўрадим.

- Йўқ, кетмаганимдан ҳеч қачон пушаймон бўлмаганман, балки Тожикистонда қолганимдан ҳозиргача шодман. Халқ шоири?! Мен ҳар доим халқ шоири бўлиб келдим...

Ўлмас Жамолнинг бу сўзлари ҳозиргача қулоқларим остида жаранглаб туради ва у кишининг гапларини бир зиёлининг асл ватанпарварлиги сифатида кўп жойларда мисол тариқасида келтирганман. Чунки ўша ҳассос даврларда қанча "қаҳрамон"лар Ватанни ташлаб кетишди, бунга барчамиз гувоҳмиз...

Устоз Ўлмас Жамолнинг мана шундай холис садоқатли хизматлари ўлароқ уни тожик халқи ўзининг миллий шоири сифатида яхши кўрарди ва ҳатто, мамлакат Президенти ҳам унинг шахсиятига эҳтиром кўрсатди. "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Ўлмас Жамол ўзи айтганидек: - "Ўзбекка тожигу тожикка ўзбек" эди.

Унинг вафоти, шубҳасиз, ўзбек адабиёти ҳамда Тожикистон маданий ва адабий доиралари учун катта йўқотиш бўлди...

***Одили НОЗИР,***
***"Тожикистон" газетаси маданият бўлими мудири.***

*Мунаввара ОЙМАТОВА, шоира*

## ЎЛМАС ЖАМОЛНИ ТАНИШ

Ғазалнавис шоир Ўлмас Жамолни, нафақат, Тожикистон ҳудудида, балки Ўзбекистонда ҳам шеърни суювчи барча танийди. Аммо мен уни ҳофиз Жўрабек Муродовнинг "Ўзбекистон ўғлидурман..." деб бошланувчи қўшиғи билан таниганман. Болалигимда шу қўшиқ хиргойиси менга ўзгача завқ бағишларди. Жумҳуриятда чиқадиган марказий нашрларда ҳамиша Ўлмас Жамол шеърлари чиқса, қувонч билан ўқиганман. Ўзи билан танишиш менга 2001 йили насиб қилган.

Кузак бошланиши эди. Мен "Халқ овози" таҳририятига Гулнора Муродалиевани қора тортиб бордим. Мақсад шеър чиқариш ёки мақола бериш эмас, шунчаки Душанбедаги ижодкорлар билан дийдорлашиш эди. Мени Гулнора опа минг йиллик қадрдондай кутиб олди. Умумий танишлар Хўжанд ҳақида суҳбатлашиб турсак, кабинетга икки киши кириб келди. Бири Ўлмас Жамол эди. Аввалига танимасни сийламас мақомида турган шоир исмимни эшитгач, юзлари ёришиб кетди:

- Э, э, Мунаввара сизми? Шеърларингизни ўқиганман. Молодец! Нега шу вақтгача китоб қилмадингиз? Бизга ишга келинг. Муҳарриримиз Ҳайдаржон - яхши сўзни қадрлайдиган инсон. Бизнинг олдимизда бўлинг. Шеърларингизни олиб келганмисиз?

Назаримда, унинг саволларидан мен кичрайиб кетдим. Чунки болалигимдан катта шаҳарлардаги катта шоирлар димоғдор, несанд, каттазанг бўлишади, деган ўй бор эди менда. Аммо қаршимдаги катта шоирнинг бундай самимий, меҳр билан саволлар қалаштириб менинг ёзганларимга эътибор берганлигидан уялиб кетдим. Хижолатимни англади, шекилли, холисона таклиф ҳам қилиб қолди:

- Бугун бизникига борасиз. Суҳбатлашамиз. Қизларим билан танишасиз.

Рўпарамда оддий шарқона одоб билан меҳмоннавозлик таклиф этаётган шоирнинг бундай самимияти қошида лол эдим. Аммо меҳмонга боришни унчалар хуш кўрмаганим ва Ўлмас Жамолдек шоир ҳузурига бир танишгандаёқ меҳмонга жўнаб қолиш эриш туюлди. Важ кўрсатиб, боришни ортга сурдим. Шоир хафа бўлмай, мени Душанбега қачон келсам, албатта, унинг меҳмон бўлишимни шарт қўйиб хайрлашди.

Шундан кейин мен Ўлмас Жамолни Хўжандда бир неча бор кўрдим. Ҳар доим ўз қизини соғинган ота каби сўрашганида, мен у ҳақда бекорчи оғизлар айтган гапларни эслайман. "Ўлмас Жамол унақа, бунақа". Ана шулар Ўлмас Жамолнинг беминнат устозлик меҳри булоғидан қониб-қониб сув ичиб, бу булоққа яна тупуришдан ҳам қайтмасликларидан озурда бўламан. Улар ўзларини шеърнинг жонфидоси, сўзнинг садоқатли маҳрами қилиб кўрсатишади. Аммо билишмайдики, ҳамма ҳам Ўлмас Жамол бўла олмайди. Гарчанд мен Ўлмас Жамол билан бир неча марта суҳбатлашган бўлсам ҳам унинг оғзидан бирор марта "Фалончи менинг шогирдим, фалон шогирдим оёғимдан олди, фалони фалон" деган сўзни эшитмаганман. Аксинча, ҳамиша биров шаънига, ҳатто, у ўта саёз машқлар битган бўлсаям бир яхши сифат топиб айтганини эшитдим. Менинг холис гувоҳим - шоир Алижон Йўлдош. Ўзига хос мулойимлик билан Суғдда яшаётганлар ижодига қизиқиб, шеърларингизни Душанбегаям жўнатинг, деб сўрайди ҳар гал келганида. "Бу бизни ўсгани қўймайди" деганлар "ўсди". Аммо Ўлмас Жамол ўша-ўша самимий кулиб турувчи, нигоҳларида меҳр балқиган "Ўзбекистон ўғлидурман, тожикам гуфто писар", деб Тожикистонга, Тожикистон ўзбек адабиётига дилини боғлаган, Тожикистонда ўзбек бўлиб ижод этган мард шоирлигича қолди. Буровга ёмонлик соғинмади, ёмонлик қилмади. Унинг таҳриридан минглаб ёмон шеърлар сайқал топиб газета юзини кўрди. Буларнинг биронтасини на миннат қилди, на минбарларга чиқиб йиғлоқи овозда аюҳаннос солиб додлади. Кулибгина қўя қолди, анчайин ғингшишларга. Балки унинг бу жавоби энг гўзал жавобдир. Билмадим. У ҳам маза-бемаза китобларини кўтариб жумҳуриятнинг у бошидан бу бошига ўзини тарғиб қилиб югуриши мумкин эди. Алоҳида бир нашр очиб, бу нашрни аэропландан қоғоз сочган каби вилоятларга олиб чопиши мумкин эди. У қатор китоблар чиқаришнинг ҳам ҳадисини олмаган. Чунки у ЎЛМАС ЖАМОЛ!



У тоза ижод билан яшашни барча нарсадан аъло кўради. Юракдан ҳурмат қилувчи ёру биродарлар меҳри унинг учун энг улкан мукофот. Тоза қалб, камтарлик билан, ўз эҳтиромини сақлаб умргузаронлик қилиш ҳаммага насиб этавермайди.

### Ҳамдардлик билдирамиз...

***Устоз Ўлмас Жамол эл орасида машҳур инсон эдилар. Мактаб ўқувчисидан тортиб, олийгоҳ ўқитувчиларигача, оддий деҳқондан то вазиру вузарогача, тетапоя қалам аҳлидан то таниқли шоиру адиблар, хуллас, жамиятимизнинг барча табақаси орасида ўз ижоди билан муҳаббат қозонгандилар. Эҳтимол, шундандир, муштарийларимиз ҳанузгача редакциямизга қўнғироқ қилишиб, азиз устозимиз вафоти билан таъзия изҳор этишаётир.*** **Жумладан,**

**шоирлар:**
**Авлиёхон Эшон (Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти, Лайлак ноҳияси),**
**Рустам Эргаш (Фархор ноҳияси),**
**Султон Чори (Ваҳдат ноҳияси).**
**«Суғд ҳақиқати» газетаси ижодий жамоаси.**
**Журналистлар:**
**Башорат Раззоқова (Жаббор Расулов ноҳияси),**
**Ҳакимжон Розиқ (Қабодиён ноҳияси),**
**Собир ҳожи Абдураҳимов (Рўдакий ноҳияси).**
**Баҳриддин Мирзаков, ўзбек тили ва адабиёти фанлари мутахассиси (Ёвон ноҳияси),**
**Каримжон Азимжонов (БМТнинг Тожикистондаги бюроси собиқ ходими)**
**ва бошқалар.**

## Сўраган эдингиз...



**Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг: 2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.**

## ТОПИНАМБУРНИ ҚАЕРДАН ТОПСА БЎЛАДИ?

***САВОЛ:***

- Топинамбур ўсимлиги қандли диабет хасталигига шифо бағишлайди, деб интернетда ўқидим. Ўлкамиз шароитида топинамбурни қаердан топса бўлади? Умуман, уни ўстириш қийинми? Шу ҳақда маълумот берсаларинг.

*Мавлуда Абдумамадова,*
*Душанбе шаҳри, Сино ноҳияси.*

***ЖАВОБ:***

- Топинамбур ёки ер ноки Шимолий Америкада ўсади. Бу ўсимлик Европага XVII асрда олиб келинган. У АҚШ, Франция, Буюк Британия, Норвегия, Швеция, Россия, Хитой ва бошқа бир неча давлатларда маданийлаштирилган.

Топинамбур ўсимлиги Тожикистонга ўтган асрнинг 50-йилларида олиб келиниб, тажриба тарзида экилган ва чорвачиликни ривожлантириш учун тавсия қилинган эди.

Топинамбур қумлоқ, тошлоқ ерлардан ташқари, ҳар қандай тупроқларда ҳам ўсаверади, кўп ёруғлик талаб қилмайди, қурғоқчиликка ва совуққа чидамли ўсимлик. Бу ўсимлик 20 даража совуққа ҳам чидамли бўлиб, ўз ўсишини сақлай олади. Топинамбур меваси октябр ойида етилади.

Топинамбурнинг химиявий таркиби: қуруқ моддаси 19-30, углевод 80, азотли моддалар 4,5-11 фоиз. У, асосан, витаминлар ва микроэлементлардан таркиб топган.

Углеводлар, асосан, инулин ва фруктозалардан таркиб топган бўлиб, гидролиз қилинганда, фруктоза ҳосил қилади. Фруктоза эса, ферментатив бижғитилганда, спирт ҳосил бўлади.

Тожикистон Фанлар академияси қошидаги Фаннинг инновацион тараққиёти ва янги технология маркази олимлари автомобиллар ёнилғисининг алтернативаси – биоёнилғи ҳосил қилиш учун тажриба усулида Ҳисор водийсида топинамбур етиштиришади.

Бир пайтлар бозорларимизда ҳам савдога чиқарилган топинамбур меваси айни пайтда кўзга ташланмайди. Умуман, топинамбур республикамизнинг бир неча ноҳиялари, жумладан, Рўдакий, Данғарада етиштирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, топинамбур меваси ёки ер ноки узоқ сақланмайди. У тезда бузилади. Яъни ўзимизнинг оддий картошка каби сақланиб турмайди.

Бундан ташқари, топинамбурдан дори-дармон сифатида фойдаланишда, албатта, тажрибали врач маслаҳати билан иш тутиш керак. Зеро, топинамбур мевасидан кўп истеъмол қилиш организмда қанд етишмаслиги хасталигини ҳам келтириб чиқариши эҳтимоли йўқ эмас.

***Ғ. А. ТОШБОЕВ, химия фанлари доктори, профессор.***

# ...Сотиб олдим ғалвани

## Мухлисларимиз ижодидан

***Ибодулло Усмон Истаравшаннинг Уяс қишлоғида туғилиб ўсган. Ёшликдан китоб мухлиси. У ўқиган китобларнинг сон-саноғи йўқ. Шунданмикан дунёқараши кенг, адабиётга меҳри баланд. Лекин замона зайлига қараб деҳқончилик билан шуғулланади…***



***Шу билан бирга анчадан бери ижод «дарди» билан «оғриб келади». Кўпроқ ҳазил шеърлар ёзади. Дастлабки сатрлари вилоят ва ноҳия газеталарида босилган. Шоирликка даъвоси бўлмаса ҳам ёзгани-ёзган. Нима ҳам деймиз. Тан касаллигидан қутулиш мумкину, ижодий «дардмандликдан» халос бўлиш қийин экан. «Халқ овози»га ашаддий мухлис эканлигини ҳисобга олиб, шеърларини нашрга тайёрладик. Буёғи зукко ўқувчиларга ҳавола…***

*Эгамназар СОҲИБНАЗАРОВ, ҳажвчи ёзувчи.*

### Бир қўнғироқ машмашаси

*(Бўлган воқеа)*

***- Алло, қулоғим сизда,***
***Салом, ҳа, ҳа, ўшаман.***
***Нима? Э-ҳа, чойхонами?***
***Бўлди, зумда тушаман.***
***Оҳ, қанийди бир лаҳза,***
***Оёқларни узатсак.***
***Барча ташвиш-ғамларни,***
***Келмас жойга кузатсак.***
***Хўп, хайр, бўлди, гап битта.***
***Манзил? Ҳа, ҳа, ўша жой,***
***Сергўшт, яна серсабзи,***
***Бўла қолсин гарчча мой.***
***Гўшакни қўйиб Султон,***
***Хўп мириқиб керишди.***
***Бирор ташвиш чиқмаса,***
***Улфатлар-ла … иш пишди.***
***…Шу пайт яна қўнғироқ,***
***Хотин уни кўтарди.***
***-Ва… ким бу Шарифа?...***
***Хотин ёесиз тутарди.***
***-Қани айтинг, бу қ…чиқ,***
***Қайси ўрдан, э, вой-дод…***
***Шунақалар дастидан,***
***Уй-рўзғор бўлди барбод…***
***-Шошма, хотин, хотинжон,***
***Тушунсанг-чи, шошмай тур.***
***Шариф ва «А»нинг орасида,***
***Нуқта бор-ку, ўқиб кўр.***
***«Шариф-артист» рақами,***
***Ҳа, ҳа, ўша, сол қулоқ.***
***Қисқартириб нуқтани,***
***Қўйган эдим ўша чоқ.***
***Мана, ўзинг гаплашгин…***
***- Алло, алло Шарифжон…***
***- Алло, янга, Шарифман,***
***Ташвишланманг янгажон…***
***…Э, хайрият эр-хотин,***
***Кетдилар-а ярашиб.***
***Султон эса, дарс олди,***
***Бир нуқтага адашиб.***
***Қиссадан ҳисса шулки,***
***Ўрнин топсин ҳар нуқта.***
***Шунда гапнинг мазмуни,***
***Тўқ бўлару ҳам пухта!***

### Бир тақдимот хусусида

*(Ярим ҳазил, ярим чин)*

***Бир адабий тадбирга,***
***Йиғилишди шоирлар.***
***Бири «юлдуз», бири «ой»,***
***Сўзга чечан моҳирлар.***
***Мухлисахон синглимиз,***
***Янги китоб ёзибди.***
***Кўп тер тўккан чамаси,***
***Анчагина озибди.***
***Тақдимот ҳам бир байрам,***
***Бош бўлди Ўзбек Марказ,***
***Илҳом Юсуф бошданоқ,***
***Мақтай кетди беғараз.***
***Истаравшан, Мастчоҳдан,***
***Қаламкашлар келишди.***
***Шўрлик китоб тақдирин,***
***Ҳал қилмоқчи бўлишди.***
***Ғайратжон сўз олган чоқ,***
***Маза қилиб кулдилар.***
***Шундан сўнг сўзламоқни,***
***Навбат-навбат қилдилар.***
***Индамасанг микрофон,***
***Қўлма-қўл бўп, дод, дейди.***
***Мадҳу сано, кўтар-кўтар***
***Тўхтаса, э, қанийди.***
***Тадбир сўнги…чойхона,***
***Барча кўнгли ёришди.***
***Қадаҳлар жаранг-жаранг,***
***«Юлдуз» - «ой»лар топишди…***
***Қойил! Тадбир бўлди зўр,***
***Дастурхонга-ку, гап йўқ.***
***«Бир пиёла чой» баҳона,***
***Кўплар бўлди анча «шўх»…***
***…Мухлисахон бор бўлинг…***
***Ижодингиз барқ урсин.***
***Битта китоб не бўпти,***
***Ўнтаси чиқиб турсин.***
***Ибод Усмон - ҳаваскор,***
***Сизга ҳавас қилади.***
***Бу кўркам тадбирлардан,***
***Унга илҳом келади.***
***Юртимиз тинч, тақдимотлар,***
***Кетма-кет бўлаверсин.***
***Қирғиз, қозоқ, ўзбекдан,***
***Ёр-дўстлар келаверсин…***

### Фирибгардан алҳазар

***Юрган эдим ташвишсиз,***
***Сотиб олдим ғалвани.***
***Бугун кўп пушаймонман,***
***Ишлатолмай каллани.***
***Бир фирибгар мўлтонининг,***
***Тузоғига илиндим.***
***Хомлигу соддалигим,***
***Овсарлигим билинди.***
***Гап қисқаси бир муттаҳам,***
***Авраб, гапни ўхшатиб.***
***Машинамни қарзга олди,***
***Ўзини мард кўрсатиб.***
***-Кузга қолмай қайтараман,***
***Мардга мардман, чин сўзим.***
***Қайтармасам…борингки,***
***Қора бўлсин-а, юзим.***
***Ишондим мен - шўр пешона,***
***Ўтиб кетди икки куз.***
***Қани ўзин кўрсатса,***
***У муттаҳам, қора юз.***
***Кейин билсам, бир менмас,***
***Сафимиз ундан ортиқ.***
***Бири пиёз, бошқаси,***
***Ёнғоқ қилганмиш тортиқ…***
***Бошқанинг номи билан,***
***Кредит ҳам олганмиш.***
***Билишимча у одам…***
***Нақароқ…бўп қолганмиш.***
***Оғзи куйиб қолганлар,***
***Арз қилдилар «орган»га.***
***Падарига минг лаънат,***
***Мен каби қарз берганга…***
***Эшитдилар арз-додни,***
***Ва очдилар «Дело»ни.***
***«Сийлашдилар» бир вақтда,***
***Мендай булбул-дононни.***
***Суд «кесди», олти ойга,***
***Қулоғин ушлаб кетди.***
***Гўё менинг бошимга,***
***Олтита муштлаб кетди.***
***Бугун эса, у «курорт»да…***
***Мен мошинсиз пиёда.***
***Не бўлса ҳам бир фирибгар,***
***Камайди-ку дунёда…***

*Ибодулло УСМОН, Истаравшан, Уяс қишлоғи.*

## ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН


### ЭЪТИБОР НАДОРАНД

Шаҳодатномаи бақайдгирии давлатӣ, ки аз ҷониби Раёсати адлияи вилояти Хатлон соли 2001 ба рӯзномаи «Зафар» дода шуда буд, бинобар сабаби гум шуданаш, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Шиносномаи техникии наздиҳавлигӣ, ки онро дар таърихи 06. 10. 2000 с. таҳти феҳристи № 275 ва шартномаи хариду фурӯши тартибдодагии нотариуси н. М. С. А. Ҳамадонӣ (собиқ Москва), ки 06. 10. 2000 с. таҳти феҳристи № 584 бо суроғаи к. С. Қурбонов (собиқ Киров) - 2/11, ба шаҳрванди н. М. С. А. Ҳамадонӣ Довудова Нуқрамо дода шудааст, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Патенти гумшудаи соҳибкори инфиродӣ Авезов Шарифбой Қурбонович, ки бо РЯМ 5330048726 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Деваштич 17.11.2015с. аз қайд гузашта буд, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Шартномаи хариду фурӯши хонаи истиқоматӣ, воқеъ дар шаҳри Душанбе, кӯчаи Зайнаб-бибӣ, хонаи № 186 «А», оид ба Ризоев Умед Мадаминович фурӯхтани литерҳои 1хп3 ва 2хп1, ки 08. 12. 2016 с. дар идораи нотариалии давлатии н. И. Сомонии ш. Душанбе таҳти № 1ш-881 ба қайд гирифта шуда ва шиносномаи техникии хонаи истиқоматӣ, воқеъ дар шаҳри Душанбе, кӯчаи Зайнаб-бибӣ, хонаи № 186 «А» ва литерҳои 1хп3 ва 2хп1, ки санаи 04. 11 . 2016 с. дар Корхонаи давлатии фаръии «Бақайдгирии молу мулки ғайриманқул дар ш. Душанбе» таҳти № 12591 бо рақами кадастрии № 66-005-000098-01 ба номи Ризоев Умед Мадаминович ба қайд гирифта шудааст, бо сабаби гум шуданашон, аз эътибор соқит дониста шаванд.

***

Шиносномаи техникии гумшудаи ҳавлӣ № 6522, ки онро КФДБТ-и н. Рӯдакӣ, бо суроғаи ҷамоати Сари кишти, деҳаи Конситутсия, хонаи № 120, ба Ганджиев Неъмон додааст, эътибор надорад.

***

Шиносномаи гумшудаи шаҳрвандӣ А № 7282768, ки онро 25.08. 2012 с. ШКД-и н. Рӯдакӣ ба Холов Орифҷон Маҳмадзарифович додааст, эътибор надорад.

***

Номаи камоли гумшуда Т-ШТУ № 0632096, ки онро с 2013 гимназияи № 74-и н. Фирдавсии ш. Душанбе ба Умедова Шоҳин Сироҷиддиновна додааст, эътибор надорад.

***

Билети донишҷӯии гумшуда № 2015010328, ки онро с. 2015 Донишгоҳи славянии Тоҷикистону Русия ба Шоҳрухи Раҷабалӣ додааст, эътибор надорад.

***

Дипломи гумшудаи № 790191, ки онро Донишгоҳи давлатии омӯзгории Тоҷикистон ба номи С. Айнии ш. Душанбе 06. 11. с 1989 ба Амонова Ибодат Абдукадировна додааст, аз эътибор соқит дониста шавад.

### БАРҲАМ МЕХӮРАД

ҶДММ «Мусаффом», ки бо РЯМ 3310009707 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Ҷ. Балхӣ 01. 04. 2013 с. аз қайд гузаштааст, фаъолияташро қатъ менамояд.



## Москвада олий маълумот олишни истайсизми?

**Олий таълим муассасаси танлашда иккиланяпсизми?**
**Таҳсилни қаерда давом эттиришни билмайсизми?**
**Сизни Москвадаги Халқаро иқтисодиёт ва ҳуқуқ институти (ХИҲИ)га таклиф этамиз.**



ХИҲИ - Россия Федерациясининг муҳлатсиз лицензияси асосида ишлаётган ва давлат аккредитациясидан ўтган етакчи олий таълим муассасаларидан бири. ХИҲИнинг бошқа олий таълим муассасаларидан фарқи шундаки, бу ерда таҳсил масофавий равишда йўлга қўйилган бўлиб, билим олиш учун студентнинг Москвада бўлиши шарт эмас. Студент ер шарининг қайси нуқтасида бўлмасин, таҳсил жараёнида қатнаша олади. Масалан, ёшлар ҳарбий хизматда ёки қизлар турмушга чиққан бўлсалар-да, турар манзили ҳамда иш ва фаолият юритадиган жойларидан туриб, масофавий равишда таҳсил олиб, маълумот эгаси бўлишлари мумкин.

Халқаро иқтисодиёт ва ҳуқуқ институтида таҳсил олиш яна қандай афзалликларга эга?

* Таҳсил қиммат эмас. Танлаган касбингиз билан боғлиқ ҳолда, шартномалар 3 минг сомоний ва ундан зиёд маблағга имзоланади;
* ХИҲИ биноси Москва шаҳрида жойлашган;
* Студентларнинг ота-онага муҳтож бўлмасликлари учун таҳсил вақтида ишлашга ҳам ижозат берилади;
* Тожикистон Республикасидан бўлган абитуриентлар фақат тест имтиҳонлари асосида қабул қилинади. Бу эса, жуда осон;
* Абитуриентларга бир вақтнинг ўзида ХИҲИдаги иккита йўналиш (иқтисодиёт ва ҳуқуқ)га ҳужжат топшириш ва уларни ўрганиш имконияти берилади;
* Институт дипломи халқаро мақомга эга бўлиб, дунё миқёсида амал қилади;
* Халқаро иқтисодиёт ва ҳуқуқ институти қошида аспирантура ҳам мавжуд. Лаёқатлилар институтни битиргандан сўнг, таҳсилни аспирантура босқичида давом эттириши мумкин;
* Халқаро иқтисодиёт ва ҳуқуқ институтига қабул қилинган барча абитуриентлар таҳсил жойига ташкилий тарзда етказилиб, ётоқхона билан таъминланадилар. Ётоқхонада яшаш пуллик.

**Қабул кунлари:** ҳар шанба куни соат 10:00да, 5 августгача. **Манзил: Душанбе шаҳри, «Халқлар дўстлиги» кўчаси 78 ("Армуғон" биноси).**

**Янада тўлиқроқ маълумот олиш учун 905-00-53-88 телефон рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.**


√ **Оқибат**

## НАФС БАЛОСИ

Шифохоналардан бирига оғир аҳволдаги ўсмирни олиб келишди. Уни бир киши бехосдан машинасида уриб юборган эди, ўша киши дарҳол бош жарроҳга юзланиб, деди:

-Илтимос, боланинг ҳаётини сақлаб қолинг, дўхтир!

Дўхтир эса, бамайлихотир жавоб берди:

-Укам, уриб юбормасдан олдин ўйлаш керак эди буни…

-Илтимос, дўхтир, тезроқ операцияни бошлаш керак. Боланинг ҳаётини сақлаб қолайлик.

-Ааа… энди укам, бу боланинг кимлигини билмасак… Лекин мушук ҳам офтобга текинга чиқмаслиги иккимизга ҳам яхши аён.

-Нималар деяпсиз дўхтир, ахир бу инсоннинг ҳаёти хавф остида. Қанча пул керак бўлса, мана мен кафил, фақат унга ёрдам беринг.

Ва ниҳоят, улар катта миқдордаги пулга келишишди. Дўхтир беморни операцияга тайёрлашларини буюрди. Аммо бу келишув вақтда бола, аллақачон, ҳаётдан кўз юмган эди. Дўхтирнинг мижозни сақлаб қолишга имкони бор эди, лекин у вақтни қўлдан бой берганди.

Дўхтир бола ётган жарроҳлик столига яқинлашди-ю, унга ер билан осмон туташгандай туюлди.

Не кўз билан кўрсинки, жарроҳлик столида якка-ю ягона эркатой ўғлининг жонсиз танаси ётар эди.

√ **Ибрат**

## ЯХШИ ОДАТ

Луқмони Ҳаким бир куни ўғлига деди:

- Бугун рўза тут ва нимаики гапирсанг, ёзиб қўй. Кечқурун гапирган гапларингнинг ҳисоботини бериб, сўнг ифторлик қиласан. Кеч киргач, ўғил отасига ҳисобот бера бошлади. Ҳисобот тугаганида, тун ярмидан оғиб қолган эди.

Эртасига ўғлига яна ўша гапни айтди. Ўғли эса, тағин ярим кечагача ҳисобот берди. Учинчи куни ҳам ўша гапни такрорлади. Ўғли шунда: "Ҳисобот бергунимча кеч бўлиб қоляпти. Бу ёқда ифтор ҳам қилиш керак, -деб ўйлади. Сўнг ҳисоб беришдан қўрқиб, кундузи ҳеч нима гапирмади. Кечқурун отаси ҳисобот талаб қилди. Ўғли айтди:

- Сизга ҳисобот беришдан қўрқиб, бугун ҳеч нарса гапирмадим.

Луқмони Ҳаким: - Бор, рўзангни очиб, овқатингни е! - деди.

Шайх Абул Ҳасан Хараҳоний айтадиларки: Кам гапирувчининг қиёматдаги ҳолати Луқмони Ҳаким ўғлининг учинчи кунги ҳолатидек қувончли ва енгил бўлади.

*Рўдакий ноҳиясидаги 134-ўрта умумтаълим муассасаси ўқитувчиси, Дилрабо МЎМИНОВА тайёрлади.*


**ХАЛҚ ОВОЗИ**

«Овози халқ» - бо забони ӯзбекӣ. Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон.

«Голос народа» - на узбекском языке. Издание Правительства Республики Таджикистан.

Учредитель: Правительство Республики Таджикистан

Регистрационный номер 13 р-106.

Бош муҳаррир Ёқубжон АБДУМАНОНЗОДА

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулгоҳ - 2-38-54-02.
Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36,
котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.

Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри, Саъдий Шерозий хиёбони, 16.

Таҳрир ҳайъати:
*Раҳмон Озода Эмомали* - ТР Президенти Ижроия аппарати раҳбари
*Абдужаббор Раҳмонзода* - ТР Президентининг ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар масалалари бўйича ёрдамчиси
*Ўлмас Жамол* - шоир
*Эркин Шукуров* - бош муҳаррир ўринбосари
*Искандар Маҳмадалиев* - масъул котиб
*Гулфинур Аюпова* - бўлим муҳаррири
*Абдулло Саидов* - бўлим муҳаррири

Газетада босилган материаллар, эълонлар ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради. Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади. Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул қилинади. Редакция фақат компютерда Times New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган мақолаларни қабул қилади.

*Навбатчилар:*
*1. З. Умаров. (1-4 саҳ.)*
*2. А. Мирзааҳмедов. (5-8 саҳ.)*
*Чоп масъули: З. Умаров.*

Электрон почтамиз: Halkovozi1929@mail.ru
Сайтимиз: http://khalkovozi.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд муаллифларга берилади.

СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги ҳисобчига мурожаат этиш лозим.

Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш имконияти чекланган.

Босишга рухсат этилди: 7 июл соат $17^{00}$
Тиражи 5671 нусха.

Газетанинг сотув нархи - эркин.

Газета отпечатана офсетным способом в типографии ИПК «Шарки озод», пр. Саъди Шерози, 16. Индекс 68876.